2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 141 (1202), 2024 йил 16 июль, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 15 июль куни давлат олий таълим муассасаларига қабул жараёнлари, олий таълим тизимида сифатни ошириш ва халқаро ўқув дастурларини татбиқ этишга оид ҳисобот билан танишди.**

Шу кунларда олий таълим муассасаларига қабул имтиҳонлари бўлиб ўтмоқда. Бу йил унда 805 минг нафар абитуриент иштирок этмоқда.

Мутасаддилар 2024/2025 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига кадрлар тайёрлаш давлат буюртмаси режаси бўйича ахборот берди. Қайд этилганидек, бу йил бакалавриатда ҳам, магистратурада ҳам муҳандислик, қурилиш, табиий фанлар, математика, ахборот технологиялари йўналишларига квоталар сони оширилмоқда. Тўлов-контракт асосида қабул давлат ва нодавлат муассасаларга бир хил шартлар асосида, олийгоҳнинг илмий салоҳияти ва моддий-техник базасига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари олий таълим муассасаларига умумий давлат буюртмасини тасдиқлаш, бунда мамлакатимиз ривожи ва меҳнат бозори талабларига эътибор қаратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Юртимизда муҳандис кадрларга талаб юқори. 20 июнь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида бу соҳадаги олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш вазифаси қўйилган эди.

Масалан, ҳозир Сурхондарёда Термиз муҳандислик-технология институти ҳамда Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти фаолият юритмоқда. Уларни йириклаштириш орқали Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университетини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Бу самарали бошқарув тизимини жорий этиш, такрорланувчи факультет ва кафедраларни қисқартириш, айрим штат бирликларини мақбуллаштириш имконини беради.

Янги университетда илғор муҳандислик мактаби ташкил этилади. Унга билими юқори талабалар танлов асосида олиниб, амалиётга йўналтирилган махсус таълим дастурлари асосида ўқитилади. Бу мактабнинг йўналишларига мос саноат ҳамкорлари белгиланиб, замонавий лабораториялар ташкил этилади. Уларнинг таклифлари асосида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари йўлга қўйилади.

Университетнинг бошқарув ва ўқитувчилик лавозимларига хорижий тажрибага эга, илмий ва амалий малакаси юқори мутахассисларни жалб этиш, уларнинг иш самарасини халқаро стандартлар асосида баҳолаш вазифалари қўйилди.

Давлатимиз раҳбари тармоқ, корхона ва олий таълим муассасаси узвийлигини мустаҳкамлаш, ўз соҳасида илғор, рақобатдош мутахассислар тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Президентининг 2023 йил сентябрь ойида АҚШга ташрифи чоғида таълим соҳаси бўйича ҳам келишувларга эришилган эди. Шунга мувофиқ, Тошкент шаҳрида Америка технологиялар университети очилиши кутилмоқда.

Унинг фаолияти 2024/2025 ўқув йилидан бошланади. Университетда муҳандислик, архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва молия, халқаро муносабатлар соҳалари учун кадрлар тайёрланади. Битирувчиларга Аризона давлат университети ёки АҚШда тан олинадиган ҳамкор хорижий университетнинг дипломи берилади.

Бу борадаги ташкилий чора-тадбирлар ва келгуси мақсадлар белгилаб олинди.

**ЎзА**

## ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ КЕЛИШУВЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 июль куни Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари, шу жумладан, Малайзия Бош вазирининг жорий йил май ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида эришилган келишувларнинг бажарилиши кўриб чиқилди.

Парламентлараро, ҳукуматлараро, ишбилармонлик алоқалари сезиларли фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. 29 май куни Путражая шаҳрида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилиши самарали ўтказилди. Ўзбекистон — Малайзия ишбилармонлар кенгаши тузилди.

Саноат, "яшил" энергетика, нефть-кимё, электротехника ва бошқа тармоқларда етакчи компанияларнинг кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Гуманитар алмашинув ва зиёрат туризми бўйича қўшма дастурларни амалга ошириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, шунингдек, бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

**ЎзА**

### Халқаро эътироф

## ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОИЙ АДОЛАТГА СОДИҚЛИГИНИ КЎРСАТДИ

**Швейцариянинг "Diva International" журнали бош муҳаррири Марит Восс "Дунё" АА учун берган интервьюсида Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) бош директори Жильбер Унгбонинг Ўзбекистонга ташрифи ҳақида бундай фикр билдирди:**

— Ўзбекистон ижтимоий адолатга содиқлигини яна бир бор намойиш қилди. Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Жильбер Унгбонинг мамлакатингизга ташрифи бунга мисолдир.

Ташриф давомида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан самарали ва конструктив учрашув ўтказилди. ХМТ бош директори Ўзбекистоннинг меҳнаткашлар ҳуқуқларини таъминлаш, иш ўринлари яратиш ва халқаро конвенцияларни имплементация қилиш борасидаги ютуқларига юқори баҳо берди.

Бош котиб Жильбер Унгбо Тошкентда бўлиб ўтган "Бандлик ва ижтимоий ҳимояни уйғунлаштириш орқали Ўзбекистонда ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш" мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам иштирок этди. Ушбу нуфузли анжуманда БМТ, халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг юқори мартабали вакиллари қатнашди.

Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари ХМТ билан самарали ҳамкорлик намунаси ва мамлакатда ижтимоий адолатни таъминлаш бўйича модель вазифасини ўтайди.

**"Дунё" АА**
*Женева*

### Президент ташрифидан сўнг

## ҲАЁТНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ ГЎЗАЛ

**Шу йил 11-12 июль кунлари Президентимиз Фарғона вилоятига ташрифи доирасида Бағдод туманидаги "Юксалиш" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бўлди. Ҳудуд одамларининг ҳаёт тарзи, турмушидаги ўзгаришлар билан танишув, табиийки, кўҳна қишлоққа янги ҳаёт нафасини олиб келди, аҳолининг кайфиятини, руҳиятини кўтарди.**



Шундан буён орадан бир неча кун ўтганига қарамай, ташриф шукуҳи, файзу таровати ҳануз диллардан дилларга, тиллардан тилларга кўчиб юрибди. Қишлоқнинг меҳнаткаш, самимий, меҳмондўст одамлари билан ҳамсуҳбат бўлиш, танишиш истагидагиларнинг қадами узилгани йўқ. Бу бежиз эмас, албатта.

Бу ерда ўрганиш, ўрнак олишга арзигулик ишлар бисёр. Оддий уй бекаларидан бири — Гулнора Усмонова саъй-ҳаракати билан очилган "Гулнора Матқулобод бодомлари" ишлаб чиқариш корхонаси қисқа муддатда ном таратиб улгурди. Бунга сабаб шуки, корхона нафақат ҳудуддаги, балки яқин атрофдаги "Матқулобод", "Чек Хитой", "Чек сарой", "Бордон", "Чектуводоқ", "Қирқволида" каби маҳалла фуқаролар йиғинларидаги мингдан ортиқ хотин-қизни иш билан таъминлади.

— Камтарона меҳнатимиз ва изланишларимизни қадрлаб, шунча йўл босиб келган яхши инсонлардан чексиз миннатдормиз, — дейди корхона раҳбари Гулнора Усмонова. — Бундай эътибордан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Давлатимиз раҳбари биз билан ўта самимий, қадрдонлардек суҳбатлашиб, ҳаёт тарзимиз, фаолиятимиз ҳақида ўзимиздан эшитиш ниятида эканини айтди. Гапларимизни эътибор билан тинглаб, кўп маслаҳат ва ўринли таклифлар берди. Баъзан ўйлаб қоламан: юртимизда тадбиркорлик, ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш бўлмаганида даладан бошқа жойни кўрмай ўтиб кетардик. Мана, ҳозир ҳалол меҳнат ортидан рўзғор тебратяпмиз, кўпнинг корига яраб келяпмиз. Фарзандларимизни ўқитиб, тўйлар қилдик. Куни кеча келин туширдик, катта келиним фарзандли бўлди. Юртимиз, маҳалламиз, уйимиз тинч, дастурхонимиз тўкин. Бундай кунлар учун шукрона келтирамиз. Юрт тараққиёти, эл фаровонлигига баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз. Дастлаб ишимизни 6 кило бодомни қайта ишлашдан бошлаганмиз.

Давоми 3-бетда

### Муносабат

## АЗАЛИЙ ҚАРДОШЛИК РУҲИДАН КУЧ ОЛАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

### ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР БИРДАМЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАЯПТИ

**Ўзбекистон чуқур ўйланган, ҳар томонлама мувозанатли, очиқ ва прагматик, аввало, халқимиз учун манфаатли ташқи сиёсат юритаётгани ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотларда фаол иштирок этаётгани нуфузли ташкилотлар, хорижий экспертлар, мутахассислар, давлат ва жамоат арбоблари томонидан эътироф этилмоқда.**

Дарҳақиқат, мамлакатимиз бугунги кунда турли халқаро ва минтақавий ташкилотларга аъзо, уларнинг орасида Туркий давлатлар ташкилоти аъзоларининг маданияти, тили, анъаналари, тарихи, қадриятлари муштарак экани билан алоҳида аҳамият касб этади. Тили ўхшаш ва дини бир, тарихий ва маданий ришталар асосида шаклланган бу тузилма минтақавий кўп қиррали ҳамкорликнинг самарали сиёсий-дипломатик платформасига айланиб, халқаро майдондаги ўрни йил сайин ортиб бормоқда.

Ташкилотнинг асосий мақсади қардош мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодиёт, транспорт, энергетика, туризм ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Давоми 2-бетда

### Долзарб мавзу



## ПОЕЗД ОРТИДАН БАҚИРАЁТГАН ЧИПТАЛИ ЙЎЛОВЧИ

### ЧЎЛЛАНИШ — экологик фожиа

**Икки дарёдан Орол денгизига сув оқими камайиб кетаётганини айтиш, бу ҳақида оммавий ахборот воситаларида бонг уриш бошланганида кўпчилик бунинг оқибати тиклаб бўлмас фожиа бўлишини тасаввур ҳам қилмаган. Айримлар буни шунчаки навбатдаги, ҳал қилса бўладиган муаммо деб ўйлаган. Қолаверса, пахта сиёсатига боғлиқ чигал тузум даври эди. Пахта монокультурасига чек қўйилганда эса фожиа юз бериб бўлганди. Ўшанда кетиб бўлган поезд ортидан чипта кўтариб бақираётган йўловчи ҳолатига тушгандик...**



Мавзуни узоқдан — тарихни эслашдан бошлашимиз бежиз эмас. Чунки муаммонинг илдизи асосий сабабчи — инсон омилига бориб тақалаётир. Қолаверса, экология, табиат билан боғлиқ масалалар дунёни, жумладан, юртимиз ҳудуди ва халқимиз ҳаётини ҳам қамраб олган. Бу инсон саломатлигини асраш, ҳосилдорликни таъминлаш ҳамда озиқ-овқат тақчиллигини келтириб чиқараётган чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш ҳақида. Қолаверса, сув танқислигини бартараф этиш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, "Яшил макон" лойиҳаси каби мавзулар ҳам боғланиб кетган.

БМТ томонидан Жаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш куни сифатида алоҳида сана белгилангани ҳам масаланинг қанчалар глобал ва бонг урадиган даражада долзарб эканини англатади.

Давоми 4-бетда

## ИЛҒОР МУҲАНДИСЛИК МАКТАБЛАРИ

### ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ ВА ЭКСПОРТИ РИВОЖИ ПОЙДЕВОРИ



5

Туркий давлатлар ташкилоти аъзоларининг товар айирбошлаш ҳажми 30 миллиард долларга яқинлашаётгани қувонарлидир. Ўтган йил якунларига кўра, мамлакатимиз билан умумий ўзаро товар айланма ҳажми 27 фоиз ошгани иқтисодиётимизда ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 16 июль, 141-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Муносабат

# АЗАЛИЙ ҚАРДОШЛИК РУҲИДАН КУЧ ОЛАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

## ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР БИРДАМЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАЯПТИ

**Анваржон МИРКОМИЛОВ,**
**"Тараққиёт стратегияси" маркази бўлим бошлиғи**



**Ўзбекистон мазкур ташкилотга аъзо бўлганига кўп бўлмаган эса-да, саммитларда давлатимиз раҳбари савдо-иқтисодий ва инвестициявий, транспорт, туризм, соғлиқни сақлаш, маданий-гуманитар, иқлим ўзгариши ва экология соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш борасида 50 дан ортиқ муҳим таклифни илгари сурди. Уларнинг 40 дан ортиғи бугунги кунда ўзининг амалий ифодасини топганини алоҳида таъкидлаш лозим.**

Бошланиши 1-бетда

Туркий давлатлар ташкилоти 2009 йилда ташкил этилган, унга Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон аъзо. Венгрия ва Туркманистон, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти кузатувчи мақомига эга.

Ўзбекистон мазкур ташкилотга 2019 йил 15 октябрь куни Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган саммитда аъзо бўлган.

Туркий давлатларда яшовчи аҳоли сони 160 миллиондан ошади, ташкилотга аъзо давлатларнинг ҳудуди эса қарийб 4 миллион квадрат километрни ташкил этади. Бу эса ташкилотнинг салоҳият ва имкониятлари юқори эканидан далолат беради.

Ўзбекистон мазкур ташкилотга аъзо бўлганига кўп бўлмаган эса-да, саммитларда давлатимиз раҳбари савдо-иқтисодий ва инвестициявий, транспорт, туризм, соғлиқни сақлаш, маданий-гуманитар, иқлим ўзгариши ва экология соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш борасида 50 дан ортиқ муҳим таклифни илгари сурди. Уларнинг 40 дан ортиғи бугунги кунда ўзининг амалий ифодасини топганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жорий йил 5-6 июль кунлари Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммити Озарбайжоннинг Шуша шаҳрида (2023 йилда туркий дунё маданият пойтахти деб эълон қилинган) бўлиб ўтди.



Давлат раҳбарлари кенгашининг "Транспорт ўзаро боғлиқлиги ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш орқали барқарор келажакни барпо этиш" шиори остида бўлиб ўтган навбатдан ташқари йиғилишида савдо-иқтисодиёт, транспорт-коммуникация ва инвестиция-молия соҳалари, шунингдек, "яшил" иқтисодиёт, қайта тикланувчи энергетика, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва инсон капиталини ривожлантириш борасида минтақавий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз ушбу муҳим тадбир глобал хавф-хатарлар ортиб, ўзаро ишонч инқирози тобора кучайиб бораётган бир шароитда ўтаётганини қайд этди. "Бундай мураккаб вазиятда азалий қардошлик руҳидан куч олаётган алоқаларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни, умумий ёндашувларни ишлаб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда", деди давлатимиз раҳбари.

Саммитда Президентимиз томонидан билдирилган концептуал аҳамиятга эга таклиф ва ташаббусларни тизимлаштирадиган бўлсак, у қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади.

**Биринчи йўналиш — савдо ва транспорт йўлларини ривожлантириш.**

Президентимиз транспорт алоқалари масаласига алоҳида тўхталиб, ташкилот доирасида **Темир йўл маъмуриятлари кенгаши**ни тузиш ва унинг дирекциясини **Тошкент шаҳри**да жойлаштириш таклифини илгари сурди.

Зеро, мазкур кенгаш аъзо давлатларнинг темир йўл борасида юзага келадиган масалаларга тезкорлик ва бирдамлик билан ечим топиш имкониятини бериши шубҳасиз.

Туркий давлатлар ташкилоти аъзоларининг товар айирбошлаш ҳажми 30 миллиард долларга яқинлашаётгани қувонарлидир. Ўтган йил якунларига кўра, мамлакатимиз билан умумий ўзаро товар айланма ҳажми 27 фоиз ошгани иқтисодиётимизда ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

**Иккинчи йўналиш — иқлим ўзгаришларига қарши биргаликда курашиш.**

Иқлим ўзгариши натижасида юз бераётган табиий офатлар бутун инсониятни ўйлантираётган энг долзарб муаммолардан бири сифатида ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис, жаҳон ҳамжамияти томонидан энг глобал таҳдидлардан бири деб тан олинди.

Айни шу борада Президентимиз яна бир муҳим ташаббусни — вазирлар даражасида **Туркий экология кенгаши**ни тузиш таклифини илгари сургани муҳим. Ушбу тузилма қароргоҳини экологик офатдан энг кўп зарар кўраётган ҳудуд — Оролбўйидаги Нукус шаҳрида жойлаштириш таклифи ҳам жуда ўринли бўлди.

**Учинчи йўналиш — муқобил энергетика соҳаси.**

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида "яшил" иқтисодиётга ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин ошириш борасида қатор вазифалар белгиланган. Хусусан, қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 минг МВт. ҳамда жами истеъмолдаги улушини 40 фоизга етказиш қайд этилган.

Президентимиз саммитдаги нутқида муқобил энергетика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида **"Яшил энергетика сари туркий ҳаракат" концепциясини қабул қилиш** ташаббусини илгари сурди.

**Тўртинчи йўналиш — инсон капиталини ривожлантириш.**

Мамлакатимиз ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун замонавий "билимлар иқтисодиёти"ни қуриш, креатив иқтисодиётни ривожлантириш учун рақамли технологиялар, блокчейн, булутли, квант ҳисоблаш технологиялари, робототехника, "тўртинчи саноат" кадрларини тайёрлаш соҳаларида ҳамкорликни кучайтиришдан манфаатдор эканини билдириб, бунинг учун Туркий давлатлар ташкилотининг **Инсон капиталини ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази**ни ташкил этиш ва уни юртимизда жойлаштириш ташаббусини илгари сурди.

Шунингдек, ташкилот шафелигида аниқ фанлар бўйича **Ёшлар туркий олимпиадаси ва Жаҳон туркшунослар конгресси**ни ташкил этиш ҳамда уларни келгуси йили Ўзбекистонда ўтказиш таклифини билдирди.

Мазкур таклифлар туркий халқлар ўртасида таълим, илм-фан ва маданий алмашинувни, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида мулоқот ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, савдо ва транспорт йўлларини, қайта тикланувчи энергия манбаларни ривожлантириш, иқлим ўзгаришларига қарши биргаликда курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирдамлик, ҳамжиҳатлик асосида ҳал этиш учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Инсон қадри учун

# "ИЖТИМОИЙ КАРТА" ТИЗИМИ

## ТОИФАЛАНГАН АҲОЛИГА ҚАНДАЙ НАФ КЕЛТИРАДИ?

**Лутфулла СУВОНОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**



**Президентимизнинг 2023 йил 1 июндаги "Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда нафақа олувчилар сони 2016 йилда 466 минг нафарни ташкил этган бўлса, бугунга келиб, 2 миллиондан ошди.**

Кейинги етти йилда юртимизда ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг манзилли ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, уй-жой, маиший ва бошқа яшаш шароитларини яхшилаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди ҳамда бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда.

Ўзбекистон Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга 2021 йилда қўшилган. Бундай шахсларни ишга олган корхона ва ташкилотлар учун бир қатор имтиёзлар берилган. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг хавфсиз ва тўсиқларсиз ҳаракатланиши учун шароитлар кенгайтирилмоқда. Шу боис, эндиликда бино ва иншоотларни қуриш лойиҳаси ногиронлиги бўлганлар учун қулай муҳит яратилганлиги бўйича ҳам мажбурий экспертизадан ўтказилади. Жамоат транспорти, бекатлар ва чорраҳаларда улар учун тўсиқсиз муҳит яратиш чоралари кўрилмоқда.



Давлатимиз раҳбари жорий йил 10 июль куни ижтимоий ҳимоя соҳасидаги қўшимча чора-тадбирлар тақдимоти билан танишар экан, ногиронликни белгилашда рақамлашган тизимга ўтиш таклиф этилди.

Унга кўра, бу дастлаб Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятида, 2025 йил 1 сентябрга қадар барча ҳудудларда босқичма-босқич жорий этилади. Эксперт комиссияларига тиббий ҳужжатлар оилавий шифокорлар томонидан электрон юборилади. Баҳолаш Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мослаштирилган мезонлари асосида "Инсон" марказлари ходимлари томонидан амалга оширилади. Ногиронликни белгилаш билан бир вақтда унинг реабилитация дастури ҳамда протезга муҳтожлиги бўйича маълумотлар шакллантирилади.

Энди эксперт комиссиялари томонидан касб, таълим, спортга тавсия бериш, меҳнатга лаёқатсизликни белгилаш тартиби бекор қилинади. Бундай шахслар иш, спорт ва таълимга индивидуал ёндашув асосида йўналтирилади.

Тақдимот яна бир таклиф Жаҳон банки иштирокидаги "Инсон" лойиҳаси ҳақида бўлди. Бу лойиҳа аҳолининг заиф қатламларини жамиятга интеграция қилишга қаратилган, унинг доирасида 55 та кўп функцияли ҳудудий хизматлар маркази ташкил этилади ва 20 турдаги ижтимоий хизмат йўлга қўйилади.

Тошкент, Фарғона ва Самарқандда 4 та намунали инклюзив касб-ҳунар таълими маркази очилади. Беш минг ходимнинг ижтимоий иш бўйича малакаси оширилади. Мослашувчан ижтимоий хизмат ва ёрдам бўйича норматив-ҳуқуқий база шакллантирилади.

Давлатимиз раҳбари бу борада тегишли ҳужжатларни ишлаб чиқиб, самарали жорий этиш, эҳтиёжманд инсонларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш бўйича кўрсатмалар берди.

— Президентимизга ижтимоий ҳимоя соҳасини ривожлантириш бўйича ташаббус ва таклифлар билдирилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори Мансурбек Оллаёров. — Хусусан, ногиронликни белгилашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш бўйича тақдимот қилинди. Бу тақдимот натижасига кўра, ногиронликни белгилаш маҳалла даражасига туширилади. Жумладан, 1 сентябрдан бошлаб Тошкент шаҳар ва Навоий вилоятида ногиронликни белгилашда оилавий шифокор роли оширилади. Шу билан бирга, тизим тўлиқ рақамлаштирилади. Бу эса соҳада шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ногиронликни белгилашда фақат инсоннинг соғлиғи билан боғлиқ бўлган масалаларга таяниб қолмасдан, балки ногиронлиги бўлган шахснинг ҳаракати, юриши, фикрлаши, кенг жамоатчилик билан алоқаларидаги чекловлардан келиб чиқиб, ногиронликни белгилашнинг янги тизими жорий этилади. Бу тизимнинг ижобий тарафи ижтимоий адолатни таъминлайди.

Жаҳон банки билан ҳамкорликдаги 100 миллион долларлик "Инсон" лойиҳаси доирасида ҳудудларда ташкил этиладиган марказларда ногиронлиги бўлган, ўзгалар парваришига муҳтож кексалар, ота-она қарамоғидан маҳрум болаларга ҳар хил турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатилади.

Шу билан бирга, ижтимоий ходимлар малакасини ошириш, иш ўргатиш бўйича ҳам янги тизим йўлга қўйилади. Хусусан, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги қошидаги 4 та ногиронлиги бўлган шахслар коллежи фаолияти ҳам замон талаблари асосида тўлиқ такомиллаштирилади.

Мансурбек Оллаёровнинг айтишича, соҳадаги яна бир янгилик — "ижтимоий карта" тизимининг жорий этилишидир. Бу орқали ижтимоий тўлов ва субсидиялар, ижтимоий хизмат ва ёрдамларни тайинлаш, тақдим этиш, мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилади. "Ижтимоий карта" бир вақтнинг ўзида ҳам тўлов воситаси, ҳам эҳтиёжманд тоифага мансублик тасдиғи ҳисобланади.

Бу тартиб дастлаб Тошкент шаҳри ва Янгийўл туманида, кейинги йилдан бошқа ҳудудларда ҳам жорий этилади. Натижада 72 турдаги ижтимоий хизмат, 76 турдаги ёрдам ва 200 га яқин имтиёзлар ягона электрон тизимда умумлаштирилади. Қоғоз шаклидаги ҳужжатлар бекор қилиниб, вақт ва маблағ тежалади. Соҳа тўлиқ рақамлаштирилиши орқали ҳар бир оиланинг эҳтиёж ва имкониятларини акс эттирадиган "ижтимоий рақамли паспорти" жорий этилади.

Шунингдек, "Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда" жамғармасининг камида 10 фоиз маблағи ҳар йили чорраҳаларни ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштириш бўйича қурилиш ва жиҳозлашга йўналтирилади. Тўсиқларсиз муҳит яратилган объектларнинг электрон интерактив харитаси яратилади. Жамоат транспорти бўйича тендерларда фақатгина ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштирилган автобуслар иштирок этиши мумкин бўлади. Шаҳар жамоат транспортида I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга бепул хизмат кўрсатилади. Ушбу тоифадаги шахсларни маданий тадбирлар, кўнгилочар томоша ва маросимларга жалб қилиш бўйича амалий чоралар кўрилади.

Бир сўз билан айтганда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи ҳамма даврларда ҳам долзарб бўлиб келган. Мамлакатимизда кам таъминланган оилалар, аёллар, ёшлар, кексалар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилаётгани янги таҳрирдаги Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" тамойилининг амалий ифодаси, ҳар бир инсон давлатнинг эътибори ва ҳимоясида эканининг ёрқин далолатидир.

Тараққиёт мезонлари

# ОЛТИНСОЙНИНГ ЯНГИ ДРАЙВЕРИ

## ТАДБИРКОРЛАР БЕДАНАДАН ТОРТИБ, ТУЯҚУШГАЧА ПАРВАРИШЛАЯПТИ

**Тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлар ва ишбилармонларнинг саъй-ҳаракати туфайли жойларда паррандачилик ҳам ривожланмоқда. Аҳолининг тухум ва парҳез гўшт маҳсулотларига эҳтиёжини қондириш мақсади устувор бўлган айни жараёнда одамлар бандлиги таъминланаётгани, турмуши фаровонлиги ошиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз.**

Паррандачилик даромадли бўлиш билан бирга, анча нозик иш. Ҳозир бу тармоқ аграр сектордаги асосий йўналишлардан бирига айланиб улгурди. Имконият, ҳаракат ва натижа уйғунлигида соҳада ўзига хос тажриба мактаблари ҳам шаклланмоқда. Бу эса аҳолининг тухум ва парранда гўштига эҳтиёжини таъминлаб, бозордаги нарх барқарорлигига хизмат қиляпти.

Яқинда Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги Бибизайнаб маҳалласида лойиҳа қиймати 15 миллиард сўм бўлган янги паррандачилик корхонаси иш бошлади. Йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати 30 минг товуққа мўлжалланган. Пулга чаққанда, бу рақам бир йилда 350 минг долларга тенг, дегани. Корхона технологик жиҳатдан 630 минг долларга Хитой технологияси билан жиҳозланди. Тухум етиштиришга ихтисослашган мазкур масъулияти чекланган жамиятнинг паррандачилик комплекси тўлиқ қувватда ишга туширилса, давлатга ҳам, тадбиркорларга ҳам катта фойда келтиради.

Корхона бугун бир дона тухумни ички бозорга 800 сўмдан етказиб беряпти. Мажмуада бир кунда 11 минг дона тухум олинса, демак, даромад 1 ойда 264 миллион, бир йилда эса 3 миллиард сўмга етади.

— Маҳалламизда тез-тез янги корхоналар ташкил этилаётганини кўриб, тўғри йўл кўрсатаётганимиз ва яратилаётган шароитлардан фойдаланиш ҳақидаги тавсияларимиз одамларга қўл келаётганидан хурсандмиз, — дейди Олтинсой тумани "Бибизайнаб" МФЙ хотин-қизлар фаоли Бахтинисо Элмуродова. — Авваллари ҳам аҳолини бундай лойиҳаларга ундаган пайтларимиз бўлган. Лекин уларнинг ғояларини молиялаштиришга қийналардик. Бугун эса анча осон. Муҳими, фуқаролар манфаатдор бўлаётганларни ўз кўзи билан кўриб, шу йўлни танлаётгани қувонарли.

Туманнинг Наврўз маҳалласида яшовчи Пардахол Тўрахонова паррандачиликнинг ҳадисини олганлардан. У ҳозир хонадонида 4500 дан ортиқ жўжа парваришлаяпти. Қарийб 15 йилдан бери шу иш билан шуғулланиб келаётган тадбиркор ўтган йили банкдан 100 миллион сўм кредит олиб, фаолиятини кенгайтирди.

— Оилавий корхонамизга Инновацион ривожланиш агентлигидан ажратилган 490 миллион сўм мақсадли равишда йўналтирилиб, паррандалар учун ем ишлаб чиқарувчи тегирмон қуриб берилди. Шу билан озуқа муаммосидан қутулдик. Келинларим билан бирга маҳалладошларни ҳам иш билан таъминлашга эришдим, — дейди тадбиркор аёл. — Ҳозир инкубаторда очирилган жўжаларни паррандачилик билан шуғулланувчи корхоналар ва маҳаллий бозорга 8-9 минг сўмдан етказиб беряпмиз.

Корхонада 1500 дан ортиқ бедана ҳам парваришланяпти. Ҳозир бедана боқиш ва



кўпайтириш даромадли ишга айланган. Тухумдан чиққан ҳар бир бедана жўжаси ички бозорга 5 минг сўмдан чиқариляпти. Тўғри, бу парранданинг вазни енгил, тухуми ҳам майда. Аммо ғаройиб шифобахш хусусиятлари туфайли бедана гўшти ва тухумига талаб доим юқори бўлган. Гўштининг ўзига хослиги турли витаминлар, микро ва макро элементлар, тез парчаланувчи моддаларга бойлигидадир. Бу жиҳатдан у товуқ гўштидан қолишмайди. Бедана тухуми таркибида 2-3 баробар кўп аминокислота, витамин мавжуд. Шу жиҳатлари боис, соч ва тиш тўкилиши ҳамда эрта қаришнинг олдини олади. Умр узайиши, кўз нури равшанлашувига ҳисса қўшади. Асаб тизими касалликлари, камқонлик, гипертония, бронхиал астма ва қандли диабетни даволашда ижобий самара беради. Диетологлар товуқ тухумида холестерин мавжудлиги туфайли бедана тухуми ейишни тавсия этади.

"Туяқуш тиллакори" оилавий корхонаси ҳам кейинги йилларда Бибизайнаб маҳалласидаги ишбилармонлик маҳсули. Тадбиркор Ойжамол Ҳайитова 2018 йилдан бери туяқушчилик билан шуғулланиб келмоқда. 180 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига туяқушлари сонини 30 тага етказган.

Оилавий корхона ўтган йили инкубаторда 50 та туяқуш жўжаси чиқариб, қизиқувчиларга биттасини 500 минг сўмдан етказиб берди. Бунинг ортидан туманда туяқушчилик янада ривожланишига эришилмоқда.

— Туяқуш кони фойда. Тухуми фойдали. Шунинг баробарида пати, териси, гўшти, тирноғи, ички ёғи ва ҳатто оёғининг терисидан ҳам турли маҳсулотлар, хусусан, аёллар сумкаси, ҳамён, пойабзал ишлаб чиқариш мумкин. Бир дона туяқуш териси 400 доллар туради. Ундан тайёрланган, яхши ишлов берилган маҳсулот 30 йил жилвакорлигини, сифатини йўқотмайди. Биз ҳам яқин келажакда туяқуш терисини хорижга экспорт қилишни режалаштиряпмиз, — дейди "Туяқуш тиллакори" оилавий корхонаси раҳбари Ойжамол Ҳайитова.

Туяқуш тухумининг бир донасидан бутун оила учун таом тайёрлаш мумкин. У юқори озуқавий қийматга эга, 20-30 дона товуқ тухумининг ўрнини боса олади. Туяқушнинг гўшти мазали бўлиб, кўп касалликларга даво. Масалан, қандли диабет, саратонда наф беради, иммун тизимини яхшилайди. Бугун Сурхондарёда туяқушчилик билан 3 та корхона шуғулланиб келмоқда.

— Тасдиқланган инвестиция дастурлари доирасида туманда 2023 йилда умумий қиймати 28 миллион 500 минг долларлик 62 лойиҳа ишга туширилди. Натижада 449 та янги иш ўрни яратилди, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича Олтинсой туманидаги вакили Исоқбек Лолаев. — Жорий йилда ҳам ҳудудий инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 790 миллиард 900 миллион сўмлик 21 лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 456 та иш ўрни яратиш белгиланган. Ушбу маблағнинг 423 миллиард 500 миллион сўми тадбиркорларнинг ўз маблағи ва 17 миллиард сўми банк кредити ҳамда 5 миллион доллари хорижий кредит, шунингдек, 22 миллион 500 минг долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил қилади.

Январь-июнь ойлари ҳолатига кўра, дастур доирасида умумий қиймати 23 миллиард 800 миллион сўмлик 12 лойиҳа ишга туширилиб, жами 176 та янги иш ўрни яратилди. Умуман, жорий йилда туманда 10 дан ортиқ истиқболли қишлоқ хўжалиги лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш белгиланган.

**Сарвар ТЎРАЕВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

# ҲАЁТНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ ГЎЗАЛ

## Президент ташрифидан сўнг

**Яқин-яқингача бу қишлоқ одамлари кўп қатори фақат пахта, ғалла етиштириш, мол-қўй боқишдан бошқа юмушни билмасди. Кундалик ҳаёт тарзи, топиш-тутиш ҳам шунга яраша эди. Ишсизлик, пастқам уй-жойлар, қишда лой, ёзда чанг кўчалар... Бугун буларнинг барчаси чекка қишлоқнинг ўтмишдаги хотиралари сифатида ёдга олинади, холос.**



**Расулжон КАМОЛОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Бошланиши 1-бетда

Ўшанда 3 минг сўм фойда кўргандик. Бу биз учун катта натижа бўлган. Пулимизнинг ҳаммасига ўша пайтда жуда тақчил бўлган совун харид қилиб келганим ҳамон эсимда. Бу ўзимизга ишончни оширган, “қилса бўларкан-ку”, деган қатъий фикрга келганмиз. Аввал уй шароитида 2-3 та қайта ишлаш дастгоҳи ўрнатиб, қўни-қўшнилар билан иш бошлаганмиз. Ишимиз тез оммалашди. Чунки ички ва ташқи бозорда сифатли ҳамда мазали бодомга талаб юқори. Бизга маҳалла фуқаролар йиғинидаги бўш турган бинодан жой ажратиб берилди. Натижада ишлаб чиқариш салмоғи ошди. Бугун 40 дан ортиқ қайта ишлаш дастгоҳимиз бор. Корхонамизда 36 тадбиркор бирлашган. Улар орқали 500 дан зиёд хотин-қизни касаначилик асосида иш билан таъминлаганмиз. Бир ойда 80 тоннадан ортиқ бодомни қайта ишлаб, “Мазали бодом” бренди остида 60-65 тонна маҳсулот тайёрлаяпмиз. Иш унумдорлигимиз янада ошди, хонадонимиз, ишхонамизга узоқ-яқиндан келган меҳмонларнинг қадами узилгани йўқ. Ҳамма бизга ҳавас қиляпти.

Яқин-яқингача бу қишлоқ одамлари кўп қатори фақат пахта, ғалла етиштириш, мол-қўй боқишдан бошқа юмушни билмасди. Кундалик ҳаёт тарзи, топиш-тутиш ҳам шунга яраша эди. Ишсизлик, пастқам уй-жойлар, қишда лой, ёзда чанг кўчалар... Бугун буларнинг барчаси чекка қишлоқнинг ўтмишдаги хотиралари сифатида ёдга олинади, холос.

Қишлоққа саноат кириб келди, аҳолининг яшаш шароити яхшиланди, дунёқараши кенгайди. Равон ва ёруғ кўчалар, замонавий уй-жойларнинг ҳозирги кўриниши Юксалишда катта юксалишлар бўлаётганидан дарак бериб турибди.

“Гулнора Матқулобод бодомлари” ишлаб чиқариш корхонаси тажрибасини ўрганаётган бир гуруҳ меҳмонларни суҳбатга чорладик.

— Маҳаллада хотин-қизлар бандлигини таъминлашдаги амалий ишлар билан танишиш, тажриба алмашиш учун бу ерга келдик, — дейди Маҳаллалар уюшмаси Наманган тумани бўлими бошлиғи Дилбархон Ҳошимова. — Ҳақиқатан, ўрганса, ўрнак олса, арзигулик ишлар қилинибди. Бу тажрибани туманимиздаги 53 та маҳалла фуқаролар йиғинида оммалаштиришни кўзлаб турибмиз. Ҳудудимизда боғбонлар, соҳибкорлар кўп. Лекин етиштирилган сархил мевани хомашё сифатида бирламчи бозорга чиқариш билан чекланиб келганмиз. Энди “Шўрқишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғинида хотин-қизлар ишлаб чиқариш логистика маркази ташкил этишни кўзлаб турибмиз. Бу бир пайтнинг ўзида 400 дан ортиқ хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш имконини беради. Суҳбат жараёнида қайта ишлаш дастгоҳларини харид қилиш, ишчи-хизматчилар малакаси ва маҳоратини ошириш бўйича ҳамкорлик қилишга келишиб олдик.

“Юксалиш” маҳалла-сервис компанияси аҳолига 24 йўналишдаги хизмат турларини таклиф этмоқда. Бу ерда 6 та доимий иш ўрни яратилган. Ўнлаб турдаги хизмат кўрсатиш техникаси ва иш қуроллари буюртмаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш имконини бермоқда.

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси Бахтиёр Дўстов маҳалла-сервис компанияси тажрибаси билан танишгани келибди.

— Шу йил 25 июнь куни давлатимиз раҳбари ҳузурида ўтган йиғилишда маҳаллаларда хизмат кўрсатиш компанияларини ташкил қилиш вазифалари белгилаб берилган эди, — дейди ёшлар етакчиси. — Бу ерда ўзига хос амалий ишлар қилинибди. Айниқса, хизмат кўрсатиш моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таклиф этилаётган хизмат турлари, яратилган янги иш ўринлари ҳақида керакли маълумотлар олдик. Маҳалламизда ҳам мана шундай замонавий сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ташкил этишни кўзлаб турибмиз. Бу юзлаб ёшлар бандлигини таъминлаш, даромад топиш, ҳудудларни саранжом-саришта сақлашда катта қулайликлар яратиб бераётганига ишонч ҳосил қилдик.








— Оддий маҳалла, уй шароитида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, даромад топиш йўлида ўрганса арзигулик ишлар бор, — дея суҳбатга қўшилди Жиззах вилояти хотин-қизлар тадбиркорлиги маркази раҳбари Садоқатхон Бекмуродова. — Одамлар дунёқараши ўзгарибди. Ҳаракат қилса, барака келишини ҳамма англаган. Касаначи аёллар билан ишлаш тартиби, иш ҳақи, меҳнат стажи билан боғлиқ масалалар ечими юзасидан фикрлашиб олдик. Бу тажрибани вилоятимиздаги 9 мингдан ортиқ тадбиркор аёл ўртасида оммалаштирамиз, албатта. Бунинг учун етарли имконият бор.



Валижон Халилов хонадонида касаначилик йўналишида парранда гўшти етиштиришни йўлга қўйган. Унинг раҳбарлигидаги “White chicken“ масъулияти чекланган жамияти ҳар мавсумда 1000 та жўжа етказиб беради, зарур озуқа билан таъминлайди.

— Бу ишни бошлаб кам бўлганим йўқ, — дейди уй бекаси Ибодатхон Халилова. — Жўжаларимиз 45 кунда етилади. Бир дона парранда гўштини 26 минг сўмдан сотяпмиз. Бу бир мавсумнинг ўзида 2200 килограммдан ортиқ маҳсулот олиш имконини беради. Илгари турмуш ўртоғим, ўғлим чет элга бориб ишларди. Паррандачилик тармоғини ташкил қилгач, узоққа боришга ҳам зарурат қолмади.

Юксалиш маҳалласи тикувчилик, паррандачилик, деҳқончилик ва бодомчиликка ихтисослашган. Ҳудудда “Баҳодир авто ваш”, “Шодиёрбек гавҳари”, “Нўъмон Ҳурматой”, “Муниса Муҳаммадазиз”, “Латофатхон она таомлари” сингари хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва қандолатчилик йўналишларида тадбиркорлик субъектлари ишлаб турибди. Шунингдек, 8 та савдо дўкони, 4 та тикувчилик устахонаси, 2 та сартарошхона фаолият юритиб келмоқда. Барча хонадонлар зарур инфратузилма билан таъминланган. Жорий йилнинг шу кунига қадар 600 метрдан ортиқ ички йўл асфальтланди, 500 метр электр кабель алмаштирилган, 3 та трансформатор ўрнатилган. 94 киши ишга жойлаштирилган, 164 нафари ўзини ўзи банд қилган ва 4 нафари тадбиркорлик фаолиятини бошлаган.

— Президентимизнинг маҳалламизга келиши ишга масъулият ҳиссини янада оширди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳаммадвали Қодиров. — Маҳалламиз мисолида бутун тизим таҳлил қилиниб, маҳалла институтининг ишлаш тартиб-тамойиллари кўрсатиб ўтилди, иш тажрибамизни оммалаштириш юзасидан керакли таклифлар берилди. Бу барча маҳалладошларимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдирди. Замон, одамлар ҳаёт тарзи кундан кун тараққий этиб бораётгани “маҳалла еттилиги” олдига янги вазифалар, муаммоларни қўймоқда. Бу жабҳадаги масалалар ечимида маҳалла институтига ишонч ортиб, имтиёз ва имкониятлар кўлами кенгайиб бораётгани билан аҳамиятли.

“Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғинида кўтаринкилик, ташаббускорлик руҳи ҳукмрон. Ким билан гаплашсангиз, давлатимиз раҳбарининг маҳаллага ташрифидан руҳлангани, чекка қишлоқлар ҳам ободликка юз тутаётганини фахр билан таъкидламоқда.

**Қўқонда ҳам замонавий таълим маскани очилгани айни муддао бўлди. Президентимиз таълим даргоҳида бўлиб, ўқитувчилар ва талабалар олдида турган вазифалар, янги йўналишда мутахассислар тайёрлаш юзасидан таклифлар билдирди. Бу водийлик ёшлар учун кенг имконият эшикларини очди.**

## Ёшлар учун имкониятлар

— Қўқон университети юртимиздаги дастлабки хусусий олий таълим муассасаларидан, — дейди университет талабаси Шоҳрух Эшонқулов. — 2020 йили тўлов шартномаси асосида ўқишга қабул қилинганман. Аъло баҳоларга ўқиганим учун 2-, 3- ва 4-курсларда грант асосида ўқидим. Учта номдор стипендия, жумладан, Президент стипендияси соҳиби бўлдим. Шу кунга қадар иқтисодиёт йўналишида Қўқонда туриб олий таълим олиш имконияти бўлмаган. Фақат Тошкент шаҳри ёки вилоят марказларига бориб ўқиш талаб қилинарди. Қўқонда ҳам замонавий таълим маскани очилгани айни муддао бўлди. Президентимиз таълим даргоҳида бўлиб, ўқитувчилар ва талабалар олдида турган вазифалар, янги йўналишда мутахассислар



тайёрлаш юзасидан таклифлар билдирди. Бу водийлик ёшлар учун кенг имконият эшикларини очди.

## “Авлодлар тарбиясига камарбастамиз”

— Мамлакатимиз бўйлаб қулоч ёйган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари Марғилон шаҳрида ҳам бўй кўрсатмоқда, — дейди меҳнат фахрийси Наримон Шодиев. — Натижада аҳоли турмуш тарзи кундан кунга яхшиланиб бормоқда. Президентимиз биз, нуронийлар билан учрашиб, ёшлар таълим-тарбияси, одоб-ахлоқида камарбаста бўлишга чорлади. Нуронийлар, имом-хатиблар, маҳалла фаолларидан иборат Оқсоқоллар кенгаши ва ота-оналар гуруҳларини тузиш таклифини илгари сурди. Ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, садоқат, тинч-осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, шукроналик туйғуларини сингдиришда кўмагимиз, ташаббускорлигимиз жуда муҳим. “Бир болага етти маҳалла ота-она”, деган гап бор. Тарбияси оғир, адашган, қийин вазиятларга тушиб қолган ўғил-қизларни тўғри йўлга солиш халқимизга хос фазилатлардан. Бу йўлда давлатимиз раҳбарига елкадош бўлиб хизмат қилишга тайёрмиз.



Президентимизнинг Марғилон шаҳрида ҳам янги бино ва иншоотлар, маънавият ва аҳоли дам олиш масканлари қуриш ҳақидаги таклифлари кўнгилларга ғурур-ифтихор бахш этди.

## Юксак парвозлар сари



Ўзбекистон туманидаги “Зинаша” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Мадина Солиеванинг ҳаёти кутилмаганда қувончли воқеаларга бой бўлди. Бу йил у тумандаги 59-мактабни тамомлаб, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига ўқишга кириш учун ҳужжат топширди. Тест синовларига тайёргарлик кўриш мақсадида Фарғона шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” массивида истиқомат қилаётган қариндошларининг уйига келиб, вақтинча яшай бошлади.

Давлатимиз раҳбари “Янги Ўзбекистон” массивидаги бунёдкорлик ишлари билан танишиш жараёнида шу ерда яшовчи фуқаролар билан дилдан суҳбатлашди. Бу жараёнда Мадина Солиева Президентимизга пешвоз чиққан бахтли ёшлардан бири бўлди.

— Бу воқеа ҳаётимдаги энг унутилмас, орзуларим қанот ёзган кун сифатида муҳрланиб қолди, — дейди Мадина севинч кўз ёшини яширмай. — Президентимизга абитуриент эканим, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ўқиш ниятим борлиги, мамлакатимизда ёшларга яратиб берилган имтиёз ва имкониятлар ҳақидаги қарашларим, орзу-ниятларимни гапириб бердим. Биз, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганидан миннатдорлигимни айтдим. Давлатимиз раҳбари ўзим орзу қилган университетда ўқишимга тилак билдирди. Бу воқеадан бир кун ўтиб, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги вакиллари ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори Фарғонага келди. Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбирда менга имтиёзли асосида ўқишга қабул қилинганим тўғрисидаги сертификат топширилди. Тўғриси, бундай бўлади деб ўйламаган эдим. Менга билдирилган ишончни оқлаш учун пухта билим олиб, келажакда ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадиган етук мутахассис бўлиб етишишга ҳаракат қиламан.

## Замонавий шаҳар чорлайди



— Президентимиз қайси вилоятга бормасин, албатта, маҳаллаларда бўлиб, одамлар ҳаёт тарзини ўз кўзи билан кўриб, самимий суҳбатлашади, — дейди Фарғона шаҳридаги “Нурафшон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Арофат Мақсудова. — Фарғона вилоятига ташрифи ҳам шундай бўлди. Чунки ҳар қандай ислоҳот маҳалладан бошланади. Шу боис, маҳалла фуқаролар йиғинларига жуда катта ишонч билдирилмоқда. Юксак ишончга жавобан обод масканларимизнинг файзу тароватини сақлашимиз, яратилган қулай шароитларнинг қадрига етишимиз шарт. Фарғонанинг дашт қисмида барча ҳавас қилгулик замонавий экошаҳар барпо этилиши “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” тамойили ҳамма нарсадан устун эканининг амалдаги тасдиғи десам, муболаға бўлмайди. Президентимиз бу масканда бўлиб, аҳоли билан мулоқот қилгани тиллардан тилларга кўчиб юрибди. Замонавий шаҳарчада яшаш истагини билдираётганлар сафи кенгайиб бормоқда. Янги масканда яратилган қулайлик ва имкониятлардан кўз қувнайди, дил яйрайди.

## “Кўзларимга ишонмаяпман”



— Фарғона шаҳрининг бир чеккаси, дала-даштдан иборат жойдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини кўриб, кўзимга ишонмаяпман, — дейди “Қува анорлари” агрофирмаси раҳбари Мастурахон Сайфиддинова. — Ўзгаришлардан лолу ҳайрон бўлиб қолдим. Фарғонамиз ёшариб кетди. Бу, албатта, давлатимиз юритаётган оқилона сиёсат меваси. Буни халқимиз катта қувонч ва фахр билан қабул қилмоқда. Экошаҳарда болалар боғчаси, мактаблар, тиббиёт муассасалари бунёд этилди. Бу халқимизнинг фаровон турмуши, бугуни ва эртасига хизмат қилади. Ўзбекистон Қаҳрамони, машҳур фермер Лолахон Муротова номидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган фермерлар мактаби иш бошлади. Узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаганман. Фермерлар учун бугунгидек шароит ва имкониятлар ҳеч қачон бўлмаган. Бугунги давр фермерлардан юксак билимга асосланиб ишлашни талаб этмоқда. Мактабда яратилган шарт-шароитлар назарий билимларни амалиёт билан мустаҳкамлаш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш имконини беради.

**Экологик мураккаб вазиятларнинг олдини олиш борасида мамлакатимизда бир қатор ишларни бажаришга эришилди ва бу жараён давом этмоқда. Хусусан, Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектар майдонда ўрмон барпо этилди, яъни 20 минг квадрат километр майдон кўкаламзорлаштирилган.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 16 июль, 141-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz.uz_news yuz

Долзарб мавзу



# ПОЕЗД ОРТИДАН БАҚИРАЁТГАН ЧИПТАЛИ ЙЎЛОВЧИ

## ЧЎЛЛАНИШ — экологик фожиа



**Рустам БОЙТЎРА,**
**журналист**

**Бошланиши 1-бетда**

Ер юзининг 75 фоиз ҳудуди чўлланиш таъсирига учраган. Агар шу тарзда кетаверса, 2050 йилга бориб, бу кўрсаткич 90 фоизга етиши кутилмоқда. Ана шу фактнинг ўзиёқ ҳар қандай кишини ҳушёр торттиради. Чўлланишдан энг кўп азият чекаётган Африка ва Осиё қитъаси бўлса-да, бу жараён Европани ҳам четлаб ўтган эмас. Унинг 8 фоизи чўлланган, 14 миллион гектар ҳудуди хавф остида. Қурғоқчилик ҳатто АҚШда ҳам катта муаммо туғдирмоқда.

Жараённи кўламлироқ тасаввур этиш учун қуйидаги маълумотларга эътибор қаратинг: мамлакатимизнинг 78,8 фоизи текисликлар, 21,2 фоизи тоғли ва тоғолди ҳудудлардир. Текисликларнинг ярмидан кўпи ярим чўл ва чўл ҳудудлардан ташкил топган. Кейинги йилларда юртимиз ҳудудининг 70 фоизи (31,4 миллион гектар ер) табиий шўрланишга, қум кўчкилари, чангли бўронлар ва гармселлар таъсирига дуч келган қурғоқчил ва ярим қурғоқчил майдонлардан иборат.

Президентимизнинг 2019 йил 22 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида чўлланишнинг олдини олиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва иҳота ўрмонларини кенгайтириш чора-тадбирларини кўриш, чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича халқаро мажбуриятларни бажариши, бу борада халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш каби вазифалар белгилаб берилган.

Минтақамиз денгиздан узоқда жойлашган, сув ресурслари чекланган, иқлими кескин континентал. Бу омиллар чўлланиш, қурғоқчилик, сув танқислиги каби муаммоларни янада оғирлаштиради. Шу туфайли мазкур қарорда ҳам айнан Орол фожиаси оқибатида 5,5 миллион гектардан ортиқ улкан чўл вужудга келгани ва унинг кўлами кенгайишининг олдини олиш чора-тадбирлари қайд этилган.

Баъзи расмий маълумотлар ташвишгина эмас, қаттиқ безовталик уйғотади. Жумладан, бир дақиқада Ўзбекистоннинг 9 метр квадрат ҳудуди, дунё бўйича эса ҳар сонияда 23 гектар чўлланаётир. Бу ҳолат давом этаверса, 2050 йилга бориб, 3 миллиарддан зиёд одам озиқ-овқат тақчиллигига учраши мумкин, дея баҳолайди экспертлар. Буларнинг таъсирини фақат рақамларда эмас, йил сайин кундалик ҳаётимизда ҳис этиб турибмиз.

Экологик мураккаб вазиятларнинг олдини олиш борасида мамлакатимизда бир қатор ишларни бажаришга эришилди ва бу жараён давом этмоқда. Хусусан, Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектар майдонда ўрмон барпо этилди, яъни 20 минг квадрат километр майдон кўкаламзорлаштирилган.

Бундан ташқари, Бухоро вилоятининг Қизилқум чўлига туташ ҳудудлардаги суғориладиган ер ҳамда инфраструктурани қум босишидан сақлаш мақсадида 200 минг гектардан ортиқ майдонда яшил белбоғ яратиш, Навоий вилоятида 150 минг гектардан ортиқ чўл яйлови ҳолатини яхшилаш учун саксовулзорлар барпо этиш бўйича ишлар бошланган. "Йўл харитаси" бўйича Навоий вилоятининг Нурота тоғолди ҳудудидаги очиқ бўш ерда 10 минг гектар майдонда писта плантациялари ташкил этиш белгиланган. Бугунгача 2,5 минг гектардан ортиқ майдонга писта экиб бўлинди.

Ўрмон фондидаги ердан ташқари қишлоқ хўжалигининг суғориладиган майдони мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалиги объектларини қум босишдан ҳимоя қилиш учун иҳота дарахтзорлар барпо қилиш ишлари давлат дастурига киритилди. Ушбу дастурга асосан, 2018 йилдан бошлаб ҳар йили минглаб гектар майдонда иҳота дарахтзорлар барпо этиляпти.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 24 июндаги "Иқлим ўзгаришига нисбатан барқарор агроэкотизимни яратиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавфларга мослашувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам бу борада жуда муҳим аҳамият эга.



Қарорга биноан Қишлоқ хўжалигини иқлим ўзгаришига мослаштириш ва соҳанинг иқлимга салбий таъсирини юмшатиш бўйича миллий дастур қабул қилинди. Қишлоқ хўжалигини иқлим ўзгаришига мослаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва самарали ташкил этиш, соҳада халқаро грант лойиҳалари доирасидаги тадбирларни амалга ошириш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва агротехнологияни такомиллаштириш, яйловлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш миллий дастурининг устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришига боғлиқ хавфларга мослашувчанликни ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиши глобал иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига бардошли янги нав ва дурагайлар яратиш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлашнинг ресурс тежайдиган технологияларини ишлаб чиқиш, тупроқ шўрланишини камайтириш юзасидан илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида илмий лойиҳалар танловини мунтазам амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратади.

Қарор билан мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида чўл, тоғли ва тоғолди ҳудудларда чўлланиш ва қум кўчиши, тупроқнинг сув ва шамол эрозиясининг олдини олиш ҳамда экологик муҳитни яхшилаш мақсадида ҳимоя ўрмонлари (иҳота) барпо этиш вазифаси қўйилди. "Ҳар бир фуқаро учун — бир дарахт" тамойили асосида кўрик-танлов ташкил этиб, оммалаштириш эса, ўз навбатида, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини рағбатлантириш орқали мазкур умумхалқ тадбирини самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатда суғорма сувдан узоқ бўлган очиқ яйловлар ва ноқулай ландшафт шароитига эга майдонларда тик қудуқлар ҳамда сув тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Зеро, бугун мамлакатимизда салкам бир миллион гектар майдонда жорий этилган сув тежамкор технологиялар ва бошқа агротехник тадбирларни жорий этиш орқали йилига ўртача 7 миллиард куб метр сув ресурси тежалишига эришилмоқда.

Эришилган натижалар хотиржам тортишга изн бермайди. Чунки қилинаётган ишлар кўлами ва натижаси чўлланиш жараёнидан ортда қолмаслиги, камида секинлаштиришга, иложи бўлса, тўхтатишга ёрдам бериши керак. Шу маънода, муайян минтақа ёки мамлакат эмас, бутун дунё аҳли ҳамжиҳатлик, ҳамкорликда ишлаши ва бу борадаги ташаббус натижалари тарғиб-ташвиқ этилиши жуда муҳим.

Чўлланиш икки хил сабабга кўра юзага келади: табиий — турли офатлар, қуруқ иқлим шароити кучайиши ҳамда антропоген (инсон омили) таъсирда. Дарахтлар ва ўсимлик оламининг йўқ қилиниши, деҳқончиликда турли кимёвий ўғитлардан фойдаланиш, нотўғри суғориш тизими инсон омили туфайлидир. Чўлланиш, ер деградациясига табиий сабаблардан кўра одамзоднинг таъсири кўпроқ бўляпти.

Яқинда дунёдаги энг катта чўллардан бири — Хитой ва Мўғулистон ҳудудида жойлашган Гоби саҳросида кўчат экиш жараёнига бағишланган лавҳа намойиш этилди. Маълум бўлишича, хитойликлар бу ҳудудда Оролқум саҳросида қўлланаётган усулдан фойдаланаётган экан. Фақат унинг янгилиги, ўзига хослиги шундаки, бунинг учун дастлаб махсус лабораторияда Гоби чўлидаги оғир шароитда ҳам ўсиб кета оладиган кўчатлар селекция қилинган. Чунки экишдаги энг муҳим жиҳат кўчатнинг униб, кўкариб кетишидир.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон учун қурғоқчилик ва чўлланишга қарши кураш долзарбгина эмас, ҳеч муболағасиз ҳаёт-мамот масаласига айланган. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бошқармаси ташкил этилгани, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси амалда экани, чўлланишнинг олдини олиш, ўрмонларни тиклаш ва ҳимоя белбоғлари барпо этиш бўйича изчил ишлар қилинаётгани глобал муаммони бартараф этишга давлатимиз бефарқ эмаслигидан далолат беради.

Жорий йил июнида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан Жаҳон чўлланишга ва қурғоқчиликка қарши курашиш кунига бағишлаб семинар ўтказилди.

— Чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш масаласи бугун дунёдаги энг глобал экологик муаммолардан, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Моҳира Хўжаева. — Охирги йилларда жаҳонда иқлим ўзгариши юз бераётгани, ичимлик сув, ўрмонлар, яшил ҳудудлар тобора камайиб бораётгани жаҳон ҳамжамиятини чуқур ташвишга солмоқда. Инсониятга хавф туғдираётган чўлланишнинг олдини олиш бўйича ўз вақтида зарур чоралар кўрмаслик муқаррар экологик ҳалокатга олиб келиши мумкин. Демак, бугун унга қарши дунё ҳамжамияти биргаликда курашиши талаб этилмоқда.

Ўтган йили 1 декабрда давлатимиз раҳбари БМТ Бош котиби ўринбосари, Чўлланишга қарши кураш конвенцияси ижрочи котиби Иброҳим Тиав билан учрашув ўтказди. Унда Самарқанд шаҳрида БМТнинг Чўлланишга қарши кураш конвенциясини амалга ошириш қўмитасининг 130 дан ортиқ мамлакат делегацияси вакиллари иштирок этган 21-сессияси натижалари қайд этилди. Учрашувда чанг ва қум бўронига қарши кураш бўйича Самарқанд декларациясини 2024 йил декабрда Саудия Арабистонида бўлиб ўтадиган конференцияда қабул қилиш жуда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.



Ҳа, глобал муаммолар ечими ҳам бутун инсониятнинг биргаликдаги курашида намоён бўлади. Табиатга тўғри муносабатда бўлиш, ҳамжиҳатликда иш юритиш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда намуна кўрсатибгина қолмай, шу масъулиятни бир-биримиздан талаб қилишимиз ҳаётий аҳамиятга эга. Бу фарзандларимиз, яқинларимиз ҳаётини, яъни келажак авлодни асраб-авайлашни истаётганимизнинг ишончли исботидир.

Обод манзиллар

# "БОР" ДЕГАНДА БАРАКА БЎЛАДИ

## Мингтепаликлар қаддини юксалтираётган янгиланишлар

**Уч минг йиллик тарихга эга Пискент туманининг Мингтепа қишлоғида ҳам беқиёс янгиланишлар бўлмоқда. Очилмаган хазиналар тилсимотига айланган ушбу қадимий ҳудуд бундан беш аср муқаддам шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур қадами етган паллада ўз номига муносиб салобат касб этган бўлса, ажаб эмас. Бироқ бугунга келиб, мингта тепадан ўн учтасигина сақланиб қолган, холос.**

Қишлоқда "Мингтепа" номи билан аталган маҳалла фуқаролар йиғини расман мақомга эга бўлганига яқинда ўн икки йил тўлди. Йиғин ташкил бўлгач, дўппидек қишлоққа инфратузилма кириб кела бошлади. Дастлаб аҳолига битта савдо дўкони хизмат кўрсатган бўлса, бугунга келиб, уларнинг сони еттитага етди. Ҳозир учта намунали чойхона, битта ёнилғи қуйиш, тўртта автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, учта ғишт заводи, косиблик дўкони, иккита сартарошхона, тикувчилик ва дурадгорлик цехлари беминнат хизмат кўрсатмоқда. Ҳудуддаги иккита замонавий мактабда тўрт юзга яқин ўғил-қиз билим олмоқда.

Маҳалладаги муқаддам "Обод қишлоқ" лойиҳаси асосида мослаштирилган хоналар ўрнида икки қаватли мактаб биноси қайтадан капитал таъмирдан чиқарилди. 120 болага мўлжалланган икки қаватли боғча, замонавий ҚВП биноси фойдаланишга топширилди. Шунингдек, ҳудуддаги "Илм зиё" ўқув маркази, "Иродали малика" тикув цехи, гўзаллик салони фаолиятидан ёшлар беҳад мамнун.

Қишлоқда аҳоли сонининг муттасил ошиб бориши ҳам ҳаёт тарзи яхшиланаётганидан дарак беради. Мисол учун, 2012 йилда одам сони 2 мингдан зиёд эди. 2024 йилга келиб, бу кўрсаткич қарийб 4 мингга яқинлашди.

Мингтепаликлар ўта ориятли, диёнатли. Уларнинг ўзига хос антиқа одатлари ҳам бор. "Йўқ" деган сўзни кам ишлатишади. Ахир барака йўқда эмас, борда-да. "Йўқ" деганинг билан камингни биров тўлдириб қўймайди-ку. Шу боис, қишлоқ аҳли рўзғоридаги йўқчиликни кўчага чиқармайди. Тадбиркорликни ишга солиб, хонадонидаги муаммосини ўзи ҳал қилади. Мана, 15 йилдирки, мингтепаликлар газ, электр тақчиллигини билмай яшамоқда.

Қишлоқнинг ялпи майдони 200 гектарга етмайди. Шундан 18 гектари уй-жой ҳисобига тўғри келади. Жами томорқа майдони 144,2 гектар. Шу томорқанинг 100 гектарида боғлар барпо этилган. Бир қанча майдонда иссиқхоналар қурилиб, ишга туширилган.

2021 йили Бўка билан Пискентни боғловчи Мингтепанинг 3 километр катта йўли давлат стандарти асосида янгидан асфальт қилинди. Маҳалланинг салкам 2 километр ички йўлига ҳам асфальт ётқизилди. Қишлоқдаги 2 та новвойхона, гўшт ва дала маҳсулотлари дўкони аҳоли эҳтиёжларини етарлича таъминламоқда. Энди мингтепаликлар қозонга тушадиган маҳсулотлар учун халта кўтариб, йўлкира сарфлаб шаҳарга бормайди.

— Бундай қулай имкониятларни аввал кўрмаганмиз, — дейди 86 ёшли Илҳомжон ота Муллажонов. — Шукр, Мингтепамизда ҳамма шарт-шароит муҳайё. Нафақамизни белгиланган куни олиб келиб беришади. Коммунал тўловлар учун энди аллақандай эшиклар олдида навбат кутмаймиз. Савдо дўконларимизда ҳамма нарса бор. Биз эртаю кеч дуодамиз.

Мингтепадаги томорқанинг асосий қисмини боғ-роғ ташкил этади. Қишлоқ аҳли азалдан узум етиштириш билан шуғулланган. Мингтепа узуми шаҳар бозорларига етганда расталарга ажиб тароват бахш этади.



Президентимизнинг узумчиликни ривожлантиришга оид қарорига кўра, Мингтепада ҳам саъй-ҳаракатлар бошланди. Бундан боғбонлар беҳад хурсанд. Биз етиштираётган ҳосил ҳам қадр топадиган бўлди, дейишди.

Боғбонларни азалдан бир муаммо қийнаб келарди. Узум етиштириш ўта оғир меҳнат. Пишиб етилганда эса сотиш даҳмазага айланади. Бозорда деҳқонга жой бўлмайди. Белига фартук тутиб олган "тадбиркор" аёллар боғбонлардан ҳосилни кепак нархида олиб, тилло баҳосида пуллайди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 5 мартдаги "Аҳоли хонадонларида саноат усулида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва деҳқон хўжаликларида янги захираларни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида экспорт ва сердаромад экинлар экиш, шунингдек, кичик ишлаб чиқариш ва маҳсулот етиштиришга ихтисослаштирилган туманлар тажрибасини кенг оммалаштириш ҳақида жуда фойдали йўл-йўриқлар кўрсатиб берилди.

Бу борада Фарғона вилояти Олтиариқ тумани боғбонларининг илғор иш тажрибасини ўрганиб, оммалаштириш мақсадида Пискент туманининг айнан Мингтепа ҳудудида ўтказилган ғоят фойдали амалий семинар боғбонларга муҳим дастуриламал бўлди.

Тошкент вилояти ҳокими анжуман олдидан кўплаб мингтепалик боғбонларнинг боғига бориб, ҳақиқий аҳволни ўз кўзи билан кўрди, холис баҳони берди. Мингтепаликлар боғдорчилик тажрибасига эга бўлса-да, ҳали етарли даромад ололмаётганини асосли танқид қилди. Бу эътироз ўринли эди. Мингтепалик боғбонларнинг ҳаммаси ҳам томорқасидаги узумзорга алоҳида меҳр билан қараяпти деб бўлмайди. Масалан, ўтган қишда ерга эрта қор тушиб, боғ-роғни совуқ урди. Бунга боғбонларнинг токни ўз вақтида кўммагани сабаб бўлди.

Шу кунларда Тошкент — Бўка — Мингтепа йўлига пиёдалар учун бетон йўлаклар қурилмоқда. Ўрикзор кўчаси қайта реконструкция қилиняпти. Аввал қудуқ қазилиб, 3,5 гектар ерга сув чиқарилди. Сўнг минг туп ёнғоқ, йўл ёқаларига эса терак ва мевали дарахт кўчатлари экилди. Бугун ҳамма ниҳол баравж ўсмоқда.

Маҳаллий бюджетдан ҳудудга 100 миллион сўм ажратилди. Маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги кексалар маслаҳат кенгаши бу пулга боғларнинг қадди-бастини бир оз кўтариб олиши учун бетон тўсинлар сотиб олишга қарор қилди. Айни пайтда қарор ижро этилиб, боғбонлар каби боғларнинг ҳам қадди-басти кўтарилиб қолди.

Мингтепада қувонишга арзигулик қанотли муждалар юрибди. Ҳудуддан яхлит ер ажратилиб, намунали боғ барпо этиларкан. Кўчатлар томчилатиб суғориларкан, 2 минг тонна ҳосил сақланадиган омборхона, минг тонна узум қуритиладиган иссиқхона барпо этиларкан. Яна денг, мингтепалик зиё истовчи ёшлар учун киройи кутубхона, мини спорт майдончаси, йил-ўн икки ой пилла етиштирадиган замонавий пиллахона қуриларкан. Қанчадан-қанча ёшларга иш ўринлари очилиши-чи... Шуларни ўйлаб, кўнглинг ёришади одамнинг.

Мингтепа янги қиёфага кириб, шаҳарча тусини олаётган экан, бунда, ҳеч истисносиз, қишлоқдаги тадбиркорларнинг





ғайрат-шижоати салмоқли. Шу йил давомида иккита хўжалик моллари дўкони ишга туширилди. Машина ювиш шохобчаси ҳам ҳайдовчиларга туну кун хизмат кўрсатмоқда. Яқин кунларда мингтепаликлар ҳудуднинг ишбилармон ва тадбиркор фарзанди Исмоил Қурбонов ҳиммати билан қад ростлаётган замонавий икки қаватли муҳташам тўйхонада тўй-ҳашамларини эмин-эркин ўтказади.

— Мингтепада ютуқлар, ўсиш, ўзгаришлар баробарида муаммолар ҳам йўқ эмас, — дейди МФЙ раиси Шуҳрат Эшбеков. — Энг аввало, аҳолининг тоза ичимлик сувга эҳтиёжини қондириш керак. Одамларнинг 90 фоизи сувни ташиб ичишга мажбур бўляпти. Мактабимиз ўқувчилар учун торлик қиляпти. Қўшимча синфхоналар қуриш керак.

Мингтепаликлар ҳудудда ишбилармонлар йил сайин кўпайиб бораётганидан беҳад хурсанд. Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилида қишлоқ янада гуллаб-яшнашидан умидвор. Не бахтки, мингтепаликларга бугун ҳамма йўл очиқ. Истиқболли режалар учун аниқ ва мустаҳкам одимлар қўйилмоқда...

**Собиржон ИНОМОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,**
**"Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби**

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

**Бахтиёр МАҲКАМОВ,**
**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ректори**

Нуқтаи назар

**Президентимиз раислигида жорий йилнинг 20 июнь куни муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Тадбирда давлатимиз раҳбари ректорлар ва профессор-ўқитувчилар билан мулоқот қилиб, муҳандис кадрлар тайёрлаш борасидаги асосий вазифаларни белгилаб берди. Чунки муҳандислик соҳаси ҳаётимизнинг барча жабҳасига чуқур кириб, амалий саъй-ҳаракатларимиз мезонига айланиб бормоқда. Муҳандис кадрларни салоҳиятли ва ватанпарвар этиб тарбиялаш халқимиз оғирини енгил қилиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш, дунё ҳамжамиятида ўрнимизни янада юксалтиришда ўта муҳим йўналишлардан бири, пойдевор деб атасак ҳам муболаға бўлмайди.**








# ИЛҒОР МУҲАНДИСЛИК МАКТАБЛАРИ

## ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ ВА ЭКСПОРТИ РИВОЖИ ПОЙДЕВОРИ

Йиғилишда соҳадаги шароит аввалгидан ўзгарган бўлса ҳам шиддатли замон учун етарли бўлмаётгани таъкидланди. Дунёда иқтисодий ва ижтимоий мавқеимиз ўзгариши муҳандислик ва яратувчанлик салоҳиятимизга боғлиқ. Иқтисодиётимиз жадал ўсишини таъминлашда юқори малакали муҳандис-технологларга эҳтиёж юқорилигига ҳам урғу берилди.

Энди техника йўналишида ўқитиш ва илмий тадқиқот жараёнлари илғор тажриба асосида тўлиқ ўзгаради. 36 та олий ўқув юрти ва уларнинг филиаллари босқичма-босқич йириклашиб, жами 20 та олийгоҳ қолади. Улар дуал таълим тизимига тўлиқ ўтади.

Бугунги кунда мамлакатимизда инвестиция дастурларини амалга ошириш кўламини янада кенгайтириш, жаҳон меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган муҳандислар етишмаслиги муаммосига институционал ечим излаш, муҳандислик таълимини ривожлантириш олий таълим олдидаги устувор вазифалардандир.

Бутун дунёда технологиялар, техник тизимлар мураккаблашиши, уларнинг иқтисодиёт ва умуман, жамият ривожидаги ўрни кучайгани сари муҳандислик таълими сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Муҳандислик таълимини модернизация қилиш муаммоси энг долзарб масалалардан бири бўлиб, уни ҳал этиш мамлакатнинг келажаги, технологик ривожланиши ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги билан боғлиқ.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси технологиялар ва инновацияларнинг жадал ривожланиши билан боғлиқ глобал муаммолар ечимини топишга қаратилган. Бу йўналишдаги асосий вазифалардан бири нафақат ҳозирги муаммоларни аниқлаш, балки илм-фан ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқларидан бохабар бўлиш, замонавий муҳандислик технологияларига доир билимларни эгаллаш, тизимли ва ижодий фикрлаш кўникмасига эга юқори малакали муҳандисларни мақсадли тайёрлашдир.

Муҳандислик жамият муаммоларига хавфсиз ечим топиш учун зарур бўлган бино ва иншоот, ускуна, мосламаларни таъмирлаш, лойиҳалаштириш учун илмий, математик, иқтисодий, ижтимоий ва амалий билимларни олиш ҳамда қўллаш билан боғлиқ тизимлар мажмуидир.

Муҳандис мутахассислар саноат ишлаб чиқариши тармоқлари, замонавий иқтисодиёт ривожида ҳал қилувчи вазифани бажаради. Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 2022 йил 20 декабрдаги Мурожаатномасида "...Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашни кенгайтирамиз. Кимё саноати, электр техникаси, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро ташкилотлар билан бирга алоҳида муҳандислик мактаблари ташкил қилинади. Бу тизим бизда ҳозиргача бўлмаган. Лўнда айтганда, янги замон инженерлари тайёрлаш тизимини яратамиз", деган эди.

Мамлакатда иқтисодий барқарорликка эришиш, саноатни янада ривожлантириш учун бугун технологиялар, айниқса, муҳандислик соҳасига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Хусусан, ахборот технологиялари, техника жабҳалари ва турли ноу-хаулар орқали Европа давлатлари ўз истиқболли дастурлари ҳамда назарияларни шакллантириш билан бирга, тажрибаларини амалиётга кенг жорий қилишга эришмоқда. Натижада бу мамлакатларда муҳандислик соҳаларида жадал илмий такомиллашув кузатилиб, улар замонавий иқтисодиётга таяниб пухта режалаштирилган қарорлар қабул қилиш учун етарли мотивация ва истиқболли имкониятларга эга бўлмоқда.

Муҳандислик соҳаси замонавий саноат тармоқлари учун фойдали турли технологик асбоб-ускуналар, машиналар, предметларни ишлаб чиқишда иқтисодиётга ўзаро боғлиқ бўлиб, касб-ҳунар сифатида саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб, маҳсулот таннархини минималлаштирмоқда.

Замонавий муҳандислар тайёрлаш мактаблари келажакда мамлакатимизда техника ва технология соҳаси жадал тараққий этишини асослайди.

Ривожланган давлатларда муҳандислар жуда қисқа вақт ичида юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга жалб этилиб, инсоният учун кундалик зарур бўлган турли машина ва воситаларни яратади. Шу орқали ўз мамлакатлари экспорт айланмасини оширишга мислсиз ҳисса қўшади. Бу замонавий иқтисодиётда ишлаб чиқариш фаолияти ривожланишига туртки бўлади. Юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайгани сари бозорда талаб ҳам ошади ва иқтисодиёт янада барқарорлашади.

Муҳандислик ва технология соҳасидаги инновациялар замонавий иқтисодиётларнинг ўсишини таъминловчи катализатор бўлиб, аҳоли фаровонлигини, айниқса, уларнинг онгини оширишга, қўшимча қиймат яратишга ҳам хизмат қилади.

Муҳандислик-технология соҳасидаги жадал ривожланиш бундай замонавий машина ва ускуналардан фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш учун малакали ишчи кучини талаб қилиб, кўпроқ бандликни таъминлаш имкониятларини яратади.

Бугунги кун талаби **"тармоқ — корхона — олийгоҳ"** интеграциясини яратишни муҳим вазифа қилиб қўяди. Бунда олий таълим муассасасида буюртмачи талабидан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш ва шунга қараб ишларни ташкил этиш лозим.



Шу нуқтаи назардан, замонавий иқтисодиётда инновацион ғояларга эга, билимли, илмга чанқоқ ва интеллектуал кадрларни тайёрлаш, инсон капиталини ривожлантириш янги Ўзбекистон тараққиётини ҳал қилувчи омилидир.

Таълимгаислоҳотларнинг ҳал қилувчи кучи сифатида қараш яқин келажакда юртимиз ривожи, янгидан янги ихтироларга асос бўлади, албатта. Илгари саноат дастгоҳлари, эҳтиёт қисмлар импорт қилинган бўлса, энди муҳандислик мактабларида тайёрланаётган мутахассислар томонидан ишлаб чиқарилади.

Дарвоқе, кечаги муҳандис билан бугунгиси ўртасида катта фарқ бор. Кечаги муҳандис импорт қилинган техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш билан чекланган бўлса, ҳозиргилари бозор эҳтиёжидан келиб чиқиб, замонавий техника ва технология яратиш имкониятига эга. Шу нуқтаи назардан, бугун автоматлашган, рақамлашган, сунъий идрокли технологиялар яратаётган, соҳага



ижодий ёндашаётган ихтирочилар ҳамда етук муҳандисларни кўпайтириш жуда-жуда зарур.

Кейинги йилларда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш кўрсаткичи 28 фоиздан 42 фоизга етди. Мамлакатимизда муҳандислик соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи 36 та давлат олийгоҳининг 106 таълим йўналишида 267 минг 119 талаба ўқимоқда. Уларнинг 3240 нафари магистр.

Муҳандислик-техник олийгоҳларнинг 760 та ўқув лабораториясида зарур жиҳозлар мавжуд. Қўшимча 622 та ўқув-лаборатория учун 5,5 мингдан ортиқ замонавий жиҳозга эҳтиёж бор. Илмий-тадқиқот лабораториялари замонавий ускуналар билан тўлиқ жиҳозланмагани ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмагани сабабли муҳандислик соҳасидаги олийгоҳлардаги илмий тадқиқотлар натижадорлиги пастлигича қолмоқда.

2022-2023 ўқув йилида муҳандис-техник кадрлар тайёрлашга ихтисослашган олийгоҳларнинг 35 минг 270 битирувчисидан 14 минг 537 нафари мутахассислиги бўйича ишга жойлашмаган. Сабаби, улар малакавий жиҳатдан инвестицион қўшимча қиймат талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди. Бошқача айтганда, ОТМларда ўқув-лаборатория ишлари, илмий тадқиқотларни амалга ошириш, талабалар амалиётини ташкил этишда етарли шароит яратилмагани натижасида муҳандислик соҳасига билимли ёшларнинг қизиқиши камайиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, юртимизда иқтисодиёт тармоқлари, саноат ва ишлаб чиқариш тараққиёти учун барча шароитлар мавжуд бўлган ҳозирги даврда уларнинг ўсишига тўсқинлик қилаётган муҳим омил сифатли кадрлар, янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, ўз ишининг устаси бўлган муҳандислар, техник ходимлар, технологлар етишмаётганидир.

Ҳозир ўрта ва йирик бизнес вакилларига ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги қувватларни ишга тушириш учун арзон ишчи кучи эмас, балки муайян билим ва кўникмага эга мутахассислар зарур. Тор мутахассисларни хориждан жалб қилиш амалиёти ҳам айнан шу боис, бугун оддий ҳолга айланган. Бу борада Президентимизнинг 2024 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги фармонида ҳам муҳандислик соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ташкилий-бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, илмий фаолият самарадорлигини ошириш ва моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш бўйича вазифалар белгиланган.

Ҳозирги кунда муҳандис-техник кадрлар тайёрлайдиган давлат олий таълим муассасалари юқори малакали мутахассислар тайёрлашда потенциал иш берувчи ҳисобланган жами мингга яқин корхона ва муассаса билан ҳамкорлик ўрнатган. Шу билан бирга, уларда 50 дан ортиқ лаборатория тўплами яроқсиз ҳолга келгани, 20 дан ортиқ лаборатория тўплами маънан эскиргани, яна шунчасидан фойдаланилмаётгани ташвишли ҳол ҳисобланади.

Шунингдек, амалиётга борган талабаларнинг назарий билими билан замонавий ишлаб чиқариш ўртасидаги тафовут ҳамон сақланиб қоляпти. Бу таълим тизимини қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Айни пайтда муҳандислик-техник соҳаси таълим йўналишларини 80 тадан 53 тага қисқартириб, 8 та замонавий таълим йўналишини киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Мамлакатимиздаги ОТМларда муҳандислик таълим йўналишларида кадрларга талаб кескин ўзгарди. Ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни қўллашда битирувчиларнинг компетентлилиги, билим ва кўникмалари талаб даражасида эмас. Муҳандислик олийгоҳларининг иқтисодиёт реал сектори билан ўзаро интеграцияси самарали эмаслиги юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Илғор муҳандислик мактабининг ўзига хос жиҳати шундаки, у университет ва саноат вакили, яъни қайсидир компания ёки компаниялар гуруҳи ўртасидаги энг яқин ҳамкорлик асосида қурилади. Улар университетларга нафақат муҳандисларни тайёрлаш, балки компанияга зарур илғор ечимларни топиш учун ишлаб чиқариш соҳасидаги тадқиқот вазифаларини ҳам қўяди. Бу жараёнда анъанавий таълимдан фарқли ўлароқ, бўлажак муҳандислар мураккаб масалаларни ҳал этиб, тез амалий тажрибага эга бўлади.

Рақамлаштириш муаммолари, рақамли иқтисодиётнинг асосий технологиялари, рақамли трансформация сценарийлари, муҳандислик фаолиятининг янги устувор йўналишлари, келажак таълимининг асосий тенденциялари шулар жумласидан. Муҳандиснинг вазифаси ҳам ўзгариб бормоқда.

Демак, муҳандислик таълими ҳам мазмунан, ҳам услубий жиҳатдан ўзгариши керак.

Етакчи хорижий олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларни тайёрлашга тизимли ёндашиб, жаҳоннинг илғор тажрибасига эътибор қаратмоқда. Муҳандислик таълими бўйича илғор педагогик тажриба Ўзбекистон университетлари учун ҳам жуда муҳим.

Олий таълим мазмуни ва технологияларидаги ўзгаришларнинг юқори динамикаси натижасида профессор-ўқитувчилар малакаси қадрсизланиши, бир томондан, илмий-педагогик фаолият интеграциясига, бошқа томондан, олий STEM таълим бўйича жорий стратегия ва халқаро стандартларга мувофиқ университетда ўқитувчилар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга зарурат сезилмоқда.

Бугунги кунда Германия, Австрия, Швейцария ва Жанубий Корея каби ривожланган мамлакатларда дуал таълим тизими иқтисодиётни янада юксалтиришда жуда катта ўрин тутмоқда. Мамлакатимизда Германия тажрибаси асосида дуал таълимни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Сабаби, Германия мазкур тизимни энг самарали йўлга қўйган давлатлардан бири. Бу мамлакат ўзининг таълим тизимига дуал таълимни 1960-йилларнинг ўрталаридан қўллай бошлаган.

Дуал таълим — талабага олий ўқув юртида таълим олиш билан бирга ўз йўналишига мос ташкилотда меҳнат қилиш, малака ошириш имкониятини берувчи тизим. Бунда талабалар ҳафтанинг уч кунида институтда назарий билимларни, қолган уч кунида корхона ва ташкилотларда ҳақиқий иш жараёнларида амалий кўникмаларни эгаллайди. Дуал таълим шаклида таҳсил олаётган талаба корхона ва ташкилотларда ишга қабул қилинганда малакали устоз бириктирилади ва амалиётчига ойлик маош тўланади.

Германияда бугунги кунда 1,4 миллион ёш дуал таълим шаклида ўқимоқда. Ҳар йили 500 минг ўқувчи дуал таълимда иштирок этиш учун корхоналар билан келишувга эришади. 74 фоиз ёшлар ўқишни якунлагандан сўнг иш берувчи билан меҳнат шартномаси имзолайди. Корхона томонидан талабаларга малакали, махсус синовдан ўтган ҳамда сертификатга эга устоз бириктирилади.

Муҳандислик таълими ва технологияларини ривожлантириш, дуал таълимни йўлга қўйиш, юқори илмий изланувчанлик ва амалий ҳаракатларга эга кафедраларнинг лабораторияларини корхоналарда очиш, ташкил қилиш ва университетлар ҳузурида спин-офф шаклида соҳага йўналтирилган корхоналар ташкил этиш бўйича Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, юқорида айтиб ўтилган видеоселектор йиғилишида дастлабки босқичда 10 та ОТМ ҳузурида олий муҳандислик мактабларини очиш топшириғи берилган эди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги "Инно" инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопаркида бўлиб, Бухоро муҳандислик-технология институти, Тошкент давлат транспорт университети, Фарғона политехника институти, Тошкент архитектура-қурилиш университети ва Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузурида ташкил этилаётган олий муҳандислик мактаблари тақдимоти билан танишганди. Муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш бўйича муҳим топшириқлар берилди, жумладан, "техника йўналишида ўқитиш ва илмий тадқиқот жараёнларини илғор тажриба асосида тўлиқ ўзгартириш, хусусан, дуал таълим тизимини тўлиқ йўлга қўйиш" орқали уларни трансформация қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур топшириқларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университетида "тармоқ — корхона — олийгоҳ" занжирини боғлаш ва таълим ҳамда амалиёт интеграцияси юзасидан қатор саноат корхоналари билан ҳамкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан "Uztelecom", "ЭМММ", "PPTM", "Mobiuz", "Алоқабанк", "Агробанк", "ZTE", "HUAWEI", "Cisco" каби маҳаллий ва хорижий йирик корхоналарда дуал таълим ва илмий тадқиқотларни амалга ошириш йўлга қўйилди.

ТАТУда охирги 2 йилда "Компьютер тармоқлари ва тармоқ хавфсизлиги", "Робототехника ва мехатроника", "Робототехника ва автоматлаштириш", "Замонавий GPON технологияси асосида қурилган оптик абонент тармоқларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш", "Ўрнатилган тизимлар", "Тиббиётда ахборот тизимлари", "Internet of things", "Рақамли иқтисодиёт", "Виртуал реаллик" ҳамда "Кейинги авлод конвергент тармоқлари", "SpaceCom", "Тиббиётда техник реабилитация TechReh" "SyberSport" каби 15 та янги ўқув ҳамда IT made advanced project каби янги юқори технологик ишлаб чиқариш цехи ташкил этилди.

Университетда мавжуд бакалавр ҳамда магистратура таълим дастурлари ва ўқув режалари Австрия, Германия, Хитой, Жанубий Корея каби давлатларнинг ТОП-300 тага кирган олийгоҳлари таълим дастурларига мослаштирилди. 7 та таълим дастури ABET ва ASIIN хорижий аккредитациясидан ўтказилиши бўйича ишлар олиб борилмоқда.

2023 йилда ТАТУ ва ҳудудий филиалларида умумий қиймати 20,2 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 107 та илмий тадқиқот ишлари бажарилди. 2024 йилнинг биринчи ярим йилида бу кўрсаткич бўйича умумий қиймати 13,3 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 88 лойиҳа амалга оширилмоқда.

Шу кунга қадар ТАТУ ва унинг ҳудудий филиаллари профессор-ўқитувчилари томонидан халқаро илмий журналларда 1891 та мақола эълон қилинган бўлиб, уларнинг 1616 таси (85,9 фоиз) 2019 йилдан 2024 йилнинг ҳозирги даврига қадар чоп этилган.

"Тармоқ — корхона — олийгоҳ" интеграциясини мустаҳкамлаш мақсадида маҳаллий ва хорижий ахборот-коммуникация технологиялари корхоналари билан университетда 14 та лаборатория комплексидан иборат илғор муҳандислик мактаби ташкил этилди. Мазкур мактабда соҳа корхоналарида кафедралар филиаллари ва дуал таълимни ташкил этиш орқали амалиётга йўналтирилган таълим ривожлантирилади. Шунингдек, соҳа корхоналари учун янги технологик ечимларни татбиқ этиш орқали маҳаллийлаштириш ва таннархни пасайтириш бўйича илмий тадқиқотлар қилинади. Соҳа корхоналарининг ишлаб чиқариш/хизмат кўрсатиш линиялари университетда спин-офф сифатида йўлга қўйилади.

Шундай қилиб, инновацион иқтисодиёт учун мамлакатнинг технологик ривожланишидаги энг мураккаб муҳандислик вазифалари ва муаммоларини ҳал қилишга қодир маҳаллий муҳандисларнинг янги авлоди шакллантирилиши мумкин.

Таржимон бадиий ёки илмий матнни бир тилдан она тилига қайта бунёд этаркан, икки тил, икки эл, икки мамлакат ўртасидаги синов кўпригидан ўтиб боради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uz yuz_official yuz_news yuz

Огаҳий издошлари



# ЁШ ИСТЕЪДОД ЧЕВУРМАЛАРИДАН МАЪЛУМ

**“Литературная газета”нинг 1962 йил 17 март сонида Абдулла Қаҳҳорнинг “Таржимачилик ташвишлари” деб номланган мақоласи эълон қилинган. Унда бундай дейилади: “Ҳавойи гапларни гапириб ўтирмайлик! Агар биз кўп миллий республикаларда ҳамма ёзувчиларни ва адабиёт мухлисларини тилларни ўрганишга, чет эл адабиётларини ҳамда қардош халқлар адабиётларини таржима қилишга сафарбар қилган чоғимизда ҳам асл нусхалардан таржима қилиш ишини тўла йўлга қўя олмаган бўлардик. Биз доим асл нусханинг ўзидан таржима қила биладиган таржимон бўлса, деймиз. Лекин бундай таржимонлар бизда ҳозирча у қадар кўп эмас”.**



Ўзбек ёзувчисининг ҳам ташвиш, ҳам аччиқ истеҳзо билан айтган ушбу гаплари бадиий таржима борасида янги имкониятлар очилаётган айни кунларимиз учун ҳам бирдек тааллуқли. Таниқли таржимон Бегойим Холбекова билан бугунги таржимачилик ҳақида фикрлашар эканмиз, таржимонларни ўйлантираётган оламшумул мавзулар, ёш таржимонлар йўл қўяётган камчиликлару қўлга киритаётган ютуқлар билан қизиқдик.



## Ўриклисой ҳавоси — гул ёшликнинг маъвоси

Шу йилнинг июли бошида ёш ижодкорларнинг анъанавий Зомин семинари бўлиб ўтди. Семинар шуъбаларида тажрибали ижодкорлар ёшларга маҳорат сабоқларини ўтди. Бадиий таржима шуъбасидаги маҳорат дарсларини Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти, таниқли таржимон Бегойим Холбекова олиб борди. Эсда қоларли жиҳат шуки, бадиий таржима шуъбасида таржимонлар мадҳияси яратилди. У тинчлик, дўстлик овози бўлиб, турли тилларда жаранглади.

— Зомин семинаридаги машғулотларимизда доим асл нусханинг ўзидан ўгирадиган таржимонлар кўп бўлса, деган орзуларимиз ҳақида бот-бот тўхталдик, — дейди Бегойим Холбекова. — Илгари жаҳон адабиёти ва миллий адабиётимиз намуналари фақат воситачи тил орқали таржима қилинар эди. Аслиятдан бевосита таржима қилишнинг имкони бўлмаган. Бунинг биринчи сабаби шўро даври мафкураси қўйган талаб бўлса, иккинчиси хорижий тилларни етарлича ўргатишга мутахассис етишмас эди.

Суҳбатдошимиз айтганидек, ўша вақтларда хорижий тилларни ўрганишга мутахассис етишмаган бўлса-да, тажрибали ўзбек таржимонлари Мирзакалон Исмоилий, Қодир Пирмуҳаммедов, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Зулфия, Иброҳим Ғафуров, Миразиз Аъзам ва бошқалар бор имкониятдан фойдаланиб, дунё адабиётидаги кўплаб нодир асарларни она тилимизга рус тили орқали катта маҳорат билан таржима қилган. Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли халқимиз жаҳон адабиёти дурдоналаридан баҳраманд бўлди. Шунингдек, миллий адабиётимизнинг гўзал намуналари воситачи тил орқали озми-кўпми дунё халқларига тақдим этилди.

## Тил билганлар таржимон бўлавермайди

— Ёш таржимонлар шуъбасидаги машғулотларда Шоҳрўз Мўминзода, Абдуллоҳ Рўзиев, Фарида Камолова каби йигит-қизлар фаол иштирок этди. Масалан, Шоҳрўз Мўминзода Лойиқ Шералининг туркум шеърларини форс тилидан ўзбек тилига жуда чиройли ўгирган. Фарида Камолова эса замонавий ўзбек шоирларининг шеърини инглиз ва турк тилига таржима қилиш мақсадида изланяпти, — дейди Бегойим Холбекова. — Тил билганлар таржимон бўлавермайди. Биласизми, таржима санъатининг энг нозик ва мураккаб йўналиши шеърий таржимадир. Шеърий таржима амалиётида баҳс-мунозарага сабаб бўлувчи мавзулар жуда кўп. Зеро, жараён ҳар бир шеър таржимаси яратилаётган пайтдан бошланар экан, шоирда янгича амалий ва назарий фикрлар туғилади. Бироқ таржимоннинг муаллиф руҳий олами ва дунёқараши билан муштараклиги таржима олдида турган асосий талаб бўлиб қолаверади.

“Улуғ ишка илик урдум ва бу азим амрға қалам сурдум”, дейди Ҳазрат Навоий “Нафаҳот ул-унс”ни таржима қилиш аввалида. Мутафаккир бу ишга чоғланар экан, асарни мутолаа қилгувчи ўз замони ўқувчиларини кўз олдига келтиради, уларнинг асарни қандай тушуниши ва қабул қилиши устида тинимсиз бош қотиради. “Навоийнинг бу намунаси таржимон ўқувчи ҳақида қанчалар қайғуриши мумкинлигига ғоят аҳамиятли бир мисолдир”, дея таъкидлайди устоз адиблар ўз сабоқларида.

Яна бир эътиборли жиҳат шуки, Навоий таржима қиларкан, асарни сўфийлар ҳаёти тўғрисидаги янги маълумотлар билан тўлдиради. Ўқувчининг дунёқараши нуқтаи назаридан асарга талай ўзгариш ва янгиликлар, таҳрирлар киритади, замон эҳтиёжларига мослаштиради.

## Барча фожиалар сабабчиси

Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адиб ва таржимон Иброҳим Ғафуров таржимон масъулияти ҳақида бундай дейди: “*Масъулият бўлмаса, ҳеч ерда ҳеч бир иш битмайди. Масъулиятли одам деб кимнидир таърифласангиз, ўша одамга нисбатан беихтиёр ишонч ва ҳурмат уйғонади. Дунёдаги барча улуғ, хайрли ишлар масъулият туфайли амалга ошади. Суриштириб келсангиз, инсониятнинг барча фожиалари илдизида масъулиятсизлик ётади. Истисно йўқ. Ижодкор масъулиятини-ку, қўяверинг. Ижодкор сўзга, ғояга масъул. Унинг масъулиятсизлиги сўз ва ғояларнинг исрофгарчилигига, сийқаланишига ёки догмага айланишига олиб келади. Ўқиб бўлмайдиган китоблар, ўқиб бўлмайдиган мақолалар, ўқиб бўлмайдиган шеърларнинг ҳаддан ташқари кўплигини нима билан изоҳлайсиз? Буларнинг сабаби масъулиятсизлик эмасми?*”.

Чиндан ҳам масъулиятни ҳаётининг маъноси қадар чуқур ҳис қилмаган инсон ҳақиқий маънода ижодкор бўла олмайди. Таржимон бадиий ёки илмий матнни бир тилдан она тилида қайта бунёд этаркан, икки тил, икки эл, икки мамлакат ўртасидаги синов кўпригидан ўтиб боради. У ўз вазифасини маҳорат билан адо этса, дўстлик, ҳамкорликнинг олтин кўпригини ярата олади. Ёки аксинча...



— Шу ўринда бир муаммога тўхталмоқчиман, — дейди Бегойим Холбекова. — Олий таълим муассасаларининг таржимонлик факультетларида бадиий таржима, амалий бадиий таржима, шеърият таржимаси муаммолари каби фанларни ўқитишни йўлга қўймай туриб, бадиий таржимачиликни ривожлантириш қийин масала. Авваллари бакалавриат босқичида атиги 20 соат бадиий таржима дарси бўлар эди. Ҳозир эса умуман йўқ. Ёшларга бадиий таржиманинг назарий ва амалий асосларини, соҳа сир-асрорларини ўргатмай туриб, қандай натижа кутиш мумкин? Шукрки, хорижий тилларни билиш бўйича ёшларимиз анча илгарилаб кетди, аммо бадиий таржимада тилни билишнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун таржима қонуниятлари, таржима техникаси борасидаги илғор жаҳон тажрибаси, назарий асослари ва тамойилларни чуқур ўрганиш керак, албатта.

## “Дунёнинг ишлари” АҚШда чоп этилди

Жорий йил апрелида таржимонлар Марк Риз ва Абдуллоҳ Рўзиев Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасини инглиз тилига таржима қилгани ҳақида хабарлар тарқалди. Нашр реклама Нью-Йорк метросида жойлаштирилгани барчамизни бирдек қувонтирди. Ёш таржимон Абдуллоҳ Рўзиевнинг Зомин семинаридаги иштироки ҳам устозлари ва тенгдошларида ўзгача таассурот қолдирди.

— Андижонлик ёш таржимоннинг ишларини аввалдан кузатиб борар эдим, — дейди Бегойим Холбекова. — У Андижон давлат университетининг инглиз тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. Ҳозир Андижон давлат чет тиллар институти 2-курс магистранти. Асака тумани Занкент қишлоғида болаларга инглиз тилидан дарс ҳам беради. Насрга меҳр қўйган, лекин талабалик йилларига келибгина бу салоҳияти юзага чиққан. Болалигида кўпроқ инглиз тилидаги адабиётларни ўқишни яхши кўрган.

Абдуллоҳ Рўзиев Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” асарини қўлига олганида дастлаб бу қисса эътиборини тортмаган. Орадан йиллар ўтиб, олий таълим муассасасига ўқишга киришга ҳозирлик кўраётган пайтида ўзбек тили ва адабиётини ўрганишга астойдил қизиқиб қолади. “Дунёнинг ишлари” мутолаасига иккинчи марта киришганида асар уни ўзига тамоман мафтун қилиб қўяди.



— Халқимизнинг севимли ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг қисса ва ҳикояларини инглиз тилига таржима қилишни 2016 йилда бошлаганман, — дейди Абдуллоҳ Рўзиев. — 2018 йилда таржималаримни кенг оммага тақдим этишдан олдин ёзувчининг авлодларидан дуо олишга қарор қилдим. Ёзувчининг авлодлари матннинг инглиз тилида сўзлашувчи томонидан ўқилиши ва таҳрирланиши шарти билан рози бўлди. Шу жараёнда таржимон Марк Риз билан танишиб қолдим. У билан ҳамкорликда уч йил ишладик. Ўткир Ҳошимовнинг услуби мени ҳам, Марк Ризни ҳам ҳайратга солар, биз кечаю кундуз мароқ билан ишлар эдик.

— Ўриклисойдаги ижодий суҳбатларимиз нафақат ёш ижодкорлар, балки устозлар қалбида ҳам бир умр сақланиб қоладиган ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди. Ўрни келганида биз, устозлар ҳам шогирдлардан ўрганамиз. Ёш қалбларнинг баҳор ёмғиридек дилбар мисралари, завқу шижоати бизнинг ҳам қалбимизда яшириниб ётган туйғулар сururига жон бағишлайди. Ҳаётнинг хира тортиб қолган рангларини шуълалантиради. Таржимон китобхони билан бўладиган суҳбатларига, ҳамкорлигига тараддуд кўра бошлаймиз, — дейди Бегойим Холбекова.

Таржимоннинг бу хулосаси устоз адибларимиздан бирининг мана бу иқрорини ёдимизга солди: “Китобхонни ўйламай, таржима қилишнинг сира иложи йўқ. Албатта, қайси асар таржимасига киришмай, аввало, ўқувчи кўз ўнгимда яққол гавдаланиб турган. Турлича ёшдаги, турлича қарашдаги бир қанча дўстларим бор. “Улар нима деркан?” деган саволни олдимга қўйиб, унга иложи борича аниқ жавоб топишга уринаман, таржимани қандай қўлга олганлари, ўқишга киришганлари, бунда нималарни бошдан кечирганларини хаёлимдан ўтказаман. Шу ерда у ўрнидан туриб кетади, бу ерда узоқ хаёлга толади, ҳатто ўқишни ҳам унутади, мана бу сўз, ҳшатиш, анафора ўрнига тушганидан таъсирланади... Асарни тушуниш ва қабул қилишда ўша ўқувчим мендан юқорироқ, зийракроқ, фаросатлироқ, закийроқ бўлса керак деб ўйлайман ва ундан ҳам юқорироқ кўтарилишга тиришаман. Хаёлимда маърифатли ўқувчим билан мусобақа ҳеч тўхтамайди. Шу мусобақа менга жуда ёқади”.

Асл ижодкор баҳслару тортишувлардан, меҳнат қилишдан, фикрлашдан завқ оладиган қалб соҳибидир. Умид қиламизки, таржимадек улкан масъулиятни зиммасига олаётган янги авлод ана шу курашлар майдонида ҳамиша ғолиб бўлишга интилади. Бу авлод диллар ва эллар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини боғлашда унча-мунча машаққатлардан толмай, дадил қадам боса олади. Эзгуликка ташна қалблар бирлашган ижод камалагини кашф қилишдан асло чарчамайди.

**Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Ибрат

# МИЛЛИЙ МУСИҚА САНЪАТИМИЗ ИСТИҚБОЛИДАН КЎНГИЛ ТЎҚ

**Андижон давлат университети 4-босқич талабаси, Миллий мақом санъати Андижон вилояти бўлинмаси созандаси Нуриддин Самандаровга “Сердаромад касб танласанг бўлмайдими? Нима, сенга медаль беришармиди?” деганларнинг бари бугун хижолат тортиб қолди. Қарангки, яқинда Ёшлар куни муносабати билан бу йигит давлатимизнинг юксак мукофоти — “Мард ўғлон” медали билан тақдирланди. Президентимизнинг ўзи уни Нуриддиннинг кўксига тақиб қўйди.**

— Жуда кучли ҳаяжон ҳис қилдим. Давлатимиз раҳбарининг биз, ёшларга байрам табригини тинглаш ва мукофотни олгунгача бўлган жараёнда туш кўраётгандек эдим. Чунки кўплаб иқтидорли ёшлар қатори менга ҳам шундай мукофотлар насиб қилармикан, деб юрардим. Президентимиз мукофотни топширгандан сўнг ҳам қўлимни қўйиб юбормай, “Энди рухсат берсаларинг, Нуриддиндан бир мақом тингласак, озгина хиргойи қилиб берса”, дея менга ишора қилди. Ҳамма мамнуният билан қабул қилиб, қарсак чаляпти. Кутилмаган бу таклифдан шошиб қолиб, қайси қўшиқни ижро этсам экан, деган савол хаёлимдан ўтди. Шу пайт “Шашмақом” таркибидан барчамизга таниш бўлган “Савти калон” ёдимга келди-ю, озгина хиргойи қилиб бердим.

Нуриддин хушхабарни биринчи бўлиб ота-онасига етказди. Ахир улар бу муваффақиятларга эришишида ўғлини қўллаб-қувватлаган, шароит яратиб берган. Фарзандидан кўпроқ ҳаяжонланган ота-онаси ҳам унинг тезроқ уйга қайтишини, юзма-юз табриклаб, бағрига босишни интизорлик билан кутди. Уларнинг биргина “Бизнинг мард ўғлимиз, сен билан фахрланамиз”, деган гапидан музаффар ўғилнинг кўнгли тоғдек кўтарилди.



— Онам миллий мусиқа санъатимизнинг жуда кўп намояндалари Шерали Жўраев, Марям Сатторова, Дилнура Қодиржонова кабиларнинг қўшиқларини севиб тингларди. Шу қўшиқлар қулоғимга сингиб, миллий мусиқа, мақом санъатига қизиқишим пайдо бўлди. Концертларни томоша қилаётганимда созандаларни ҳам ҳавас билан кузатар эдим, — дейди Нуриддин Самандаров. — Айниқса, Абдуҳошим Исмоиловнинг ғижжак чалишига маҳлиё бўлиб, шундай созанда устозим бўлишини орзу қилганман. Кейинроқ онам мени у кишининг олдига олиб борди. Устоз бизни илиқ қаршилаган. Фақат “Андижондан келган бўлсаларинг, у ерда менинг устозим Ғуломжон ака Ҳожиқулов яшайди-ку? Аввал шу инсонга бориб учрашинглар, устозимдан ўтиб, унинг ҳамюрти бўлган йигитни шогирдликка олсам, яхши иш бўлмайди”, деган. Шундан сўнг тўрт йил раҳматли устоз Ғуломжон Ҳожиқуловдан таълим олдим.

— Миллий мусиқа санъатимизнинг Нуриддин сингари умидли вакиллари бор экан, кўнглимиз тўқ. Улар сафи тобора кенгайиб бораётгани эса мақом санъатига ҳеч қачон бўлмаган бугунги эътибор туфайлидир. Айниқса, кўрик-танловларда кўплаб янги юлдузларни кашф қилаётганимиз кучимизга куч қўшиб, миллий мусиқамиз келажагига ишончимизни янада орттиряпти, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов.

Андижон шаҳридаги 2-болалар мусиқа мактабини ғижжак йўналишида тамомлаган Нуриддин санъат коллежида ҳам айни йўналишда ўқишни давом эттирди. Ғижжакдан ташқари, скрипка, рубоб, доира каби чолғуларнинг моҳир ижрочиси бўлди. Созандалик йўналиши бўйича ўтказилган танловларда кўплаб фахрли ўринларни эгаллади. Жумладан, 2017 йили “Созлар навоси” республика фестивали, “Ёш ижрочилар” кўрик-танловида ғолиб бўлди. “Россия талантлари” халқаро ижод фестивалидаги натижаси кейинги муваффақиятларига нарвон бўлди. 2022 йилда “Ниҳол” мукофотига лойиқ кўрилган қаҳрамонимиз юртимизда ўтказилаётган халқаро бахшичилик, ҳунармандлик фестивалларида миллий мусиқа санъатимизни намоён қилишга ҳисса қўшиб келмоқда. “Ёш мақом ижрочилари” республика кўрик-танлови уни анча тоблади. Вилоят миқёсида ўтказиладиган каттаю кичик тадбирларда ҳам Нуриддиннинг алоҳида ўрни бор.

Ўзига нисбатан ўта талабчан, вақтни ғоят қадрлайдиган тиришқоқ йигит шахмат билан ҳам мунтазам шуғулланиб келади. Кўплаб компьютер дастурларида бемалол ишлай олади. Энг муҳими, тил ўрганишга иштиёқи баланд. Инглиз ва турк тилларида эркин мулоқот қилади.

— Кичиклигимдан чет тилларни ўрганишга қизиққанман ва ўқув марказига борганман. Кейинроқ вақт тиғизлиги туфайли интернет орқали хорижий мамлакатлардан яхши дўстлар орттириб, кундалик мулоқотга киришдим. Инглиз ва турк тилларида бемалол гаплаша олишим, сертификатли бўлишим улар билан кўп суҳбат қурганимдан бўлса керак, — дейди Нуриддин Самандаров.— Бугун тезроқ кўзга кўриниш учун эстрада йўналишини танлаётган, ижтимоий тармоқларда енгил-елпи чиқишлар билан мухлис орттириб, хурсанд бўлиб юрган ёшлар миллийлик ҳеч қачон унут бўлмаслиги, одамлар қалбининг тўрида эканини тушуниб етиши зарур. Зеро, мумтоз қўшиқчилигимиз, миллий мақом санъатини ривожлантиришдан кўзланган мақсад ҳам шу. Миллий мусиқамизга муҳаббатли бўлган, уни янада бойитган ҳолда дунёга танитишга бел боғлаган йигит-қизлар ҳеч қачон давлатимиз эътиборидан четда қолмайди.

Нуриддин Самандаровга бугун маҳаллadoшлари, тенгдошларининг муносабати ўзгача. “Ҳаммамизга сенинг йўлинг насиб этсин”, дея маҳкам қучоқлаган курсдошлари эса ундан катта куч олгани аниқ. Миллий мусиқа санъатимиз асрлар оша сайқалланиб, номоддий маданий мерос сифатида қадр топиши йўлида ижод қилаётган талаба йигитнинг келажаги бундан-да ойдин бўлсин, дегимиз келади.

**Муножат МЎМИНОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 2391
42368 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 21:26 Топширилди — 23:30